O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 290901

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta• 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan• 2001-yil, 21-sentabr • N39 (3626)

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

«XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобининг тақдимот маросимида

«XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» номли китобни варақлай туриб, «Тома-тома кўл бўлур» деган халқ мақоли нақадар топиб айтилганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Чунки бугун кўплаб соҳаларда юзлаб, минглаб истеъдодли ёшларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари юртимиз сарҳадлари оша дунёнинг деярли барча мамлакатлари бўйлаб ёйилмоқда. Фан ва маданият, спорт, санъат соҳаларида ёш ўғил-қизларимиз эришаётган ютуқлар жаҳонни ҳайратга солиш билан бирга, Ўзбекистон номини дунё бўйлаб кўз-кўз қилмоқда.

«Ўзбекистон» нашриёти мана шу жажжи юлдузчаларимиз, кўкка бўй чўзишга шайланиб турган ниҳолларимизнинг энг сараларини бир ерга жамлаб, ўқувчиларга анвойи гулдаста тақдим этди. «Булар мустақиллик фарзандлари, менинг набираларим, – деган эди Президентимиз Ислом Каримов. – Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюкдир».

Дарҳақиқат, истиқлол дарахтларининг тотли меваларидан бу кун бутун эл баҳраманд бўлмоқда. Бу меваларнинг ўзи ҳам, боғи ҳам турли-туман. Ҳар бир истеъдод эгасининг киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган жойи, уй-остонаси, оиласи, ота-онаси бор. Аммо уларнинг мақсадлари ягона: Ватан истиқлолини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш. Энди улар фақат ўз ота-оналарининггина эмас, балки юртимизнинг фарзандларидир. Ахир, Артур Григорян ва Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг рингдаги ғалабасидан, Ирода Тўлаганованинг теннис кортларидаги ютуқларидан, Рустам Қосимжоновнинг шоҳмотдаги муваффақиятларидан ҳар бир ўзбекнинг қалби ҳаяжонланмадими! Ё бўлмаса, санъатимизнинг навқирон юлдузлари чет эллардаги нуфузли халқаро танловлардан ғолиб бўлиб қайтганларида, ҳар биримиз гўё ўз фарзандимизнинг камолини кўраётгандек севинчларга тўлишимиз рост-ку.

«XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобига киритилган ёш истеъдодлар 300га яқин бўлса-да, уларнинг ортидан бораётган издошлари ниҳоятда кўп. Ҳали улар жаҳон миқёсида ўз сўзларини айтадилар.

Кеча Ўзбекистон Миллий академик драма театри биносида ўтган мазкур китобнинг тақдимот маросими ҳам бунинг ёркин далили бўлди. Маросимда шу китобдан муносиб ўрин олган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан бирга, юртимизнинг яна кўплаб ўғил-қизлари иштирок этдилар. Тадбир чинакамига байрам тусини олди. Бу ерга тўпланган ёшларнинг қувончдан порлаган чеҳралари, дадил ва шаҳдам одимлари, зийрак нигоҳлари юртимиз келажаги умидли қўлларда эканидан далолат бериб турибди. Ким билан гаплашманг, мазкур китобнинг чоп этилиши республикамиз ҳаётида жуда катта воқеа бўлганини фахр-ифтихор билан тилга олмоқда.

Байрам тадбирида китоб қаҳрамонлари – Зулфия номидаги мукофот ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, спортимиз юлдузлари, фан ва маданиятнинг ёш намоёндалари сўзга чиқиб, зиммаларидаги залворли юкнинг ниҳоятда масъулиятли эканини эътироф этдилар, бундай катта эътибор ва эътироф учун Президентимизга, республикамиз ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдирдилар. Ёш шоира Гулжамол Асқарованинг «Даъват» шеъри, Ирода Йўлдошева, Лариса Москалёва, Достон Убайдуллаев, Отабек Мадраҳимов, Суҳроб Кенжаев, Нилуфар Раҳматова, Севара Назархон, Абдулазиз Карим, «Тавоис» ва «Томоша» гуруҳларининг қўшиқлари йиғилганларга завқ бағишлади. Айниқса, кўплаб халқаро танловларнинг совриндорлари бўлган пианиночилар Темур Еникеев, Наташа Саакян, Васила Умарова, Малика Шарипова, Беҳзод Абдураимов, скрипкачилар Динара Шаҳиддинова, Анастасия Юденич ва созандалар Суннатилла Иброҳимов, Шерали Турсунматовнинг ижроларини йиғилганлар қарсаклар билан қарши олдилар. Халқаро ёш дизайнерлар танловининг ғолиби Малика Қўзиева либослари намойиш этилганда залда ўтирганларнинг кўзлари яшнаб кетди.

«XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобининг тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов қатнашди ва сўзга чиқди.

Г.УМАРОВА

СЎЗ КИТОБ ҚАҲРАМОНЛАРИГА

Холида МИРЗАКПАРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби

— Қишлоғимиз ёнида баланд тоғ бор. Пастдан у жуда ҳайбатли ва виқорли кўринади. Баъзан тоққа чиқиб атрофга назар солсангиз жуда ажойиб манзара кўзга ташланади – қишлоғимиз, унинг илон изини эслатувчи эгри-бугри йўллари, боғлар, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган далалар... Ҳаммаси жуда гўзал. Балки менда рассомликка ҳавас уйғонишига шу гўзаллик сабаб бўлгандир. Балки шу гўзаллик туфайли шеър ёзарман. Нима бўлганда ҳам табиат менинг энг севимли мавзуим.

Ўтган йил ҳаётимда катта из қолдирди. Қирғизистонда ўтказилган ёш рассомлар кўрик танловида махсус диплом билан тақдирландим. Бундан ташқари «Болалик», «Мустақиллик шарофати», «Олма терими», «Манзара», «Менинг онажоним» каби ўндан ошиқ асарларим билан республика иқтидорли болалар танловида иштирок этдим. Таниқли рассомлар асарларимга яхши баҳо бердилар. Аммо мен учун муҳими бу эмас. Рассомликка ҳавас қилган бир қишлоқ қизига ҳукумат миқёсида эътибор берилиши мени жуда қувонтиради. Буни юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликнинг ёркин намунаси деб биламан.

Иброҳим ҲАМРОҚУЛОВ, шоҳмот бўйича ўсмирлар ўртасида Жаҳон ва Осиё чемпиони

— Мендан кўпинча ҳаётингиздаги энг қийин ўйинни қаерда ўйнагансиз, деб сўраб қолишади. Эронда, дейман. Чунки 1998 йили Эронда ўтказилган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида жаҳон чемпиони сифатида қатнашганман. Бир неча ой олдин Испанияда жаҳон чемпиони бўлгандим. Шунинг учун ҳам Осиё чемпионатида жуда катта масъулият, таъбир жоиз бўлса, бироз қўрқув билан ўйнаганман.Чунки жаҳон чемпионининг Осиё чемпионатида ютқазиб қўйишини мен уят деб биламан.

Шу икки чемпионат мени

тоблади, ўз кучимга ишончимни оширди. Ўтган йили Грецияда ўтказилган иккита йирик мусобақада ғолиб чиқдим.

Оилада тўрт фарзандмиз. Ҳаммамиз шоҳмот билан шуғулланамиз. Отам Шаҳоб Ҳамроқулов мураббийимиз ҳисобланади. Биз ҳаётимизда нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси учун отамиздан жуда миннатдормиз. Мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс. Биз оиламиз билан ўзга юртларда жонажон Ўзбекистонимиз байроғининг баланд кўтарилишига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Феруза РЎЗИЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби

— Ёшлигимдан Мукаррам Турғунбоева каби рақҳоса бўлишни орзу қиламан. Шу орзу туфайли мактабда ўқиб юрган пайтларимда «Ширин» халқ ансамблига қатнашиб турардим. Илк рақсларимни шу ансамблда ўрганганман.

1998 йилда бўлиб ўтган «Қизилқум-98» кўрик танлови келгуси йўлимни белгилаб берди. Мен танловда қатнашиб, жуда кўп иштирокчилар ичида ғолиб чиқдим ва ҳаётимни бутунлай рақсга боғлашга қарор қилдим.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда миллий рақс санъати ривожига кенг йўл очилди. Мен, чекка бир вилоятда туғилган қизалоқ эндигина 18 ёшга кирган бўлсам-да, аллақачон «Муножот», «Тановар», «Лазги» каби миллий рақсларимизни дунёнинг бир неча давлатлари саҳналарида ижро этишга муваффақ бўлдим. Айниқса, 1999 йил Хитойда бўлиб ўтган «Император Юань» фестивали менда катта таассурот қолдирди. У ерда мен рақс ижро этганимдан сўнг узоқ вақт олқишлар тинмади. Буни мен ўзбек мумтоз рақсига бўлган чуқур ҳурмат деб билдим.

Ўтган йили Белоруссиянинг Витебск шаҳрида ўтказилган халқаро санъат фестивалида «Лазги»га ўйнадим. Ишонсангиз, бутун зал менга қўшилиб, ўзбек мусиқасига рақсга тушди. Бундан қувонмай бўладими?!

Юртимизда ёшларга эътибор катта. Буни мен ҳар қадамда ҳис қилиб тураман. Бу хайрли ишнинг бошида Юртбошимизнинг ўзлари турганлиги бизни жуда илҳомлантиради, юксак марраларга ундайди.

Севара НАЗАРХОН, "Ниҳол" мукофоти совриндори

— Мен бугун фақат ўзим учун эмас, ана шу гўзал албом-китобда номлари тилга олинган ва олинмаган тенгдошларим учун ҳам хурсандман. Биз ёшларнинг камтарин меҳнатимизга, Ватан тараққиётига қўшаётган денгиздан томчи мисол хизматимизга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан бошим осмонга етди.

Хонандага нима керак? Аввало, Оллоҳ юқтирган истеъдод, қолаверса, эл-юрт, халқ назаридан бебаҳра бўлмаслик. Чунки Ватан туйғуси, киндик қонинг тўкилган тупроқ нафаси қаерда бўлсанг ҳам мадад бериб, қўллаб туради. Буни мен чет элларда ўтган қўшиқ танловларида қатнашганимда чуқур ҳис қилганман. Озод ва обод юртимизнинг гўзал манзаралари, беғубор, меҳнаткаш юртдошларимнинг самимий чеҳралари менга илҳом бағишлайди. Марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг шеъри асосида қўйлаган энг кейинги қўшиғим қалбимда кечаётган туйғуларнинг маълум маънода ифодасидек туюлади менга:

Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзимнг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним.

Ирэна ГУЛЗАРОВА, халқаро танловлар ғолиби

— Агар бугун ижодда бирон нарсага эришган бўлсам, бу аввало юртимизнинг осуда осмонида чарақлаб турган қуёш, биз ёшларга яратиб берилаётган барча қулайликлар ва шароитлар туфайлидир. Бир вақтлар юртимиз ўғил-қизлари чет элга бориб ўқиш, турли халқаро мусобақаларда қатнашишни орзу ҳам қилолмаганлари бизга эртакдек туюлади. Чунки бугун юртимизнинг истаган иқтидорли ўғил-қизи дунёнинг исталган бурчагида бемалол ўз қобилиятини намоён этиб қайтмоқда.

Мен ўзим 1995-96 йилларда Германия шаҳарларида ўтган концертларда қатнашдим. Испаниянинг Палма де Малорка ва Италиянинг Агрополи шаҳарларида ўтган халқаро танловларда совринли ўринларни эгалладим. Милан консерваторияси профессори Перроттининг махсус совринига сазовор бўлдим.

Ҳар сафар чет элларда, бегона одамлар орасида Ватанимиз байроғи виқор билан ҳилпираб турганини кўрганимда, юртимиз мадҳияси янграганида қалбим фахр ва ифтихор ҳислари билан тўлади.

Ватанимиз равнақи йўлида қиладиган асосий ишларимиз ҳали олдинда. Буюк келажакни бугунги иқтидорли, фидойи ёшлар яратадилар. Демак, халқимизнинг умиди бизлардан. Бизнинг вазифамиз ана шу умидни ҳақиқатга айлантиришдир.

Динара ШАҲИДДИНОВА, скрипкачи, халқаро танловлар ғолиби

— Бугун менинг қувончим чексиз. Ҳали жуда ёш бўлишимга қарамай, номим шундай катта китобга киритилганидан хурсандман. Президентимизнинг бундай ғамхўрлиги бизга билдирилаётган ишончдан далолатдир. Шу кунгача Литвада ва Парижда ўтган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритдим. Ўтган йили Тошкентдаги «Туркистон» са-

ройида камер оркестри билан Вивальдининг иккинчи ва учинчи концертини ижро этишим ҳаётимдаги энг катта воқеа бўлди.

Ҳали яна катта-катта халқаро танловларда қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга, менга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

ЖАҲОЛАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир бўлган террорчилик хуружлари жаҳон афкор оммасини ларзага солди. Бу XXI аср аввалида рўй берган буюк фожиадир.

Бу таърифлар рўй берган фожианинг бутун моҳиятини ифодалашга нечоғли мос ёки мос эмаслигини очиқ қолдирган тақдирда ҳам, инсон ақли барибир бир савол қаршисида лол қолади. Хўш, бу ёғи нима бўлади?

Жабр кўрганлар қасос талотумида алам билан янги урушларларга сабабчи бўладими ёки ақл-идрок ғолиб келадими?

Муносабат

Ҳарқалай, одамзот ҳар қандай хавф қарҳам ўзини масдан катта шисида йўқотмулоҳаза билан иш тутса, янги фалокатларнинг олдини олиши мумкин.

Энди террорчиларнинг мудҳиш кирдикорларига келсак, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1999 йилиёқ террорчиларга қарши жаҳон ҳамжамияти биргаликда курашиш учун халқаро марказ тузиш зарурлиги ҳақида ташаббус билан чиққан эди. Негаки, Ўзбекистон халқи террорчилик хавф-хатарини ўз бошидан ўтказган, неча-неча бегуноҳ фарзандларидан жудо бўлган эди. Бинобарин, Президентимиз кейинги даврда авж олиб келаётган ғайриинсоний бало — террорчилик балосининг олди олинмаса, бутун дунё ўт ичида қолиши мумкинлигидан жаҳон халқларини ўз вақтида огоҳ этган эди. Афсуски, бу чақириқ ўша вақтдаёқ қўллаб-қувватланганда, эҳтимол, бу улкан фожианинг олди олинган бўлармиди...

Ҳа, бугун америкаликлар, улуғ ва қудратли Америка ўзини таҳқирланган ҳис этмоқда. Бутунжаҳон савдо маркази ва Пентагонда содир этилган террорчилик хуружларини мамлакат ор-номусига қилинган тажовуз сифатида баҳоламоқда. Дарҳақиқат, шундай! Бироқ бу ҳодисадан соғлом хулоса чиқариш ва шунга мувофиқ равишда амалий ҳаракатларга киришиш масаласи инсоният олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Бугун биринчи навбатда террорчилар қувват олаётган молиявий манбаларни таги билан қуритиш ғоят муҳим вазифадир. Президентимиз Ислом Каримовнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан телефон орқали мулоқоти пайтида ана шу жиҳатга алоҳида эътибор берилгани, жаҳоний муаммога айланган террорчилик балосига қарши курашиш ҳамда унинг илдизларини йўқотишда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш зарурлиги таъкидлангани бежиз эмас. Икки мамлакат ўртасида бу борадаги ҳамкорлик давом этади.

Рўй берган фожиалардан одамзот оладиган энг муҳим сабоқ шуки, терроризм хавфи бор экан, бир лаҳза бўлсин хотиржамликка берилиш, лоқайдликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бу эса жаҳон ҳамжамиятининг ҳаммавақт ҳушёр ва ҳамжиҳат бўлишини тақозо этади.

Ҳусан ХОЛИҚУЛОВ,
I-ТошМИ талабаси

ЁШЛАР ШЕЪРИЯТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИНЛАР

Истиқлол туфайли эришилган эркин ижодий шароит ёшлар фаолиятида ҳам ўзининг яхши самараларини бераётир. Ёшлар шеъриятида бўй кўрсатаётган турфа оҳангларга йўғрилган навқирон қалб изҳори, миллий ўзликни идрок этишга изчил ҳаракатлар, жаҳон адабиёти тажрибаларидан илҳомланиб, миллий руҳиятни ришга мақсадзамон эзиясиниятлашакллантиқаратилган лар ҳозирги ўзбек поэзнинг имкони кўплигидан далолат беради. Айни пайтда уларнинг ғоявий-бадиий изланишлари мавзу кўлами, маҳобати шаклланиш жараёнидадир. Таҳририятимиз бир гуруҳ ижодкорларни чорлаб, ёшлар шеъриятининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида давра суҳбати уюштирди. Эътиборингизга ана шу гурунгда билдирилган давра иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ҳавола этаяпмиз.

Давра суҳбати

3

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Бастакорлар Уюшмасида Ёш мусиқа танқидчиларининг танлови ўтказилди. Анъана тусига кирган бу йилги танлов Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланди.

Консерваториянинг йигирмага яқин талаба-аспирантлари орасида О.Никольскаянинг ўзбек композиторлик ижодиётига бағишланган мақоласи, Н.Ҳасановнинг мусиқа экологияси хусусидаги «Шовқинлар ичида энг зарарлиси», З.Абдуллаеванинг «Болалар мусиқаси – соғлом авлод омили» Л.Витковская, М.Раҳимова, Н.Нам, М.Мусабоеванинг турли мавзулардаги мақолалари энг яхши ишлар сифатида эътироф этилди.

О.АБДУЛЛАЕВА

***

Ўзбекистон Миллий боғида «Фолклор санъати ва давр» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлди. Анжуман «Гавҳар», «Нодирабегим», «Муножот» ва «Чашма» фолклор этнографик ансамбларининг чиқишлари билан бошланди.

Халқ ижодиёти марказидан Ўткир Тоҳиров, профессорлар Маматқул Жўраев, Саодат Йўлдошева, Тўхтасин Ғофурбековнинг маърузалари анжуман қатнашчилари томонидан қизиқиш билан тингланди.

***

Ёш авлод тарбиясида оналарнинг ўрни ва қайнонакелин муносабатлари ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашиш учун Сирғали туманининг фаол аёллари тумандаги «Иттифоқ» маҳалласи гузарида тўпландилар. Тадбир «Оналар ва болалар йили»га бағишланди.

Шоиралар Зулфия Мўминова, Муҳайё Мирсаидова, Ўлмас Толипованинг дилбар шеърлари, Муқимий номидаги театр санъаткорлари Малика Қаюмова, Гулчеҳра Носирова, Мақсуда Отажонованинг чиқишлари ва хонандалар Муҳаммаджон Қозоқбоев, Салтанат Сиддиқова, Маҳбуба Ҳожиматова ижросидаги куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Барно ТЕШАБОЕВА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган

ОЛИЙ АДАБИЁТ КУРСИ

тингловчилар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий Адабиёт курси бадиий ижод соҳасида истеъдодини намоён этган, муайян ихтисослик бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган, бадиий ижод қонуниятлари ва ижод психологиясига оид билимларни ўзлаштирмоқчи бўлган тингловчиларга мўлжалланган.

Курснинг асосий мақсади миллий истиқлол ғоялари ва миллий истиқлол мафкурасини чуқур ўрганиш, тингловчиларни қадимги ва ҳозирги замон фалсафаси, эстетикаси, тарих фанлари ютуқлари, қадимий ҳамда бугунги ўзбек ва жаҳон маданияти, адабиёти тараққиётининг асосий тамойиллари, умуминсоний ва миллий маънавият, онг ва тафаккур жабҳасидаги янгиликлар билан таништириш, шулар асосида тингловчи истеъдодини тўлароқ рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, профессионал маҳоратини такомиллаштиришдан иборатдир.

Олий Адабиёт курсида ўқув машғулотлари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Ўқиш муддати 2 йил. Тингловчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Олий Адабиёт курсига камида иккита алоҳида китоби ёки адабий журналларда роман, қиссалари чоп этилган, драматик асарлари саҳналаштирилган, публицистик мақолалари билан адабий жамоатчилик эътиборини қозонган 35 ёшгача бўлган истеъдод соҳиблари олинади. Курсга хорижий мамлакатлардан ҳам тингловчи қабул қилиш кўзда тутилади.

Танлов 6—10 октябр кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилади. Тингловчиларни қабул қилиш Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси иштирокида тузилган қабул ҳайъати томонидан ижодий танлов ҳамда тил ва адабиёт, тарих фанларидан суҳбат-имтиҳон асосида амалга оширилади.

Олий Адабиёт курсига кирувчилар қабул ҳайъатига ҳужжатлари билан бирга ижодий танлов учун асарлар, икки нафар Халқ ёзувчиси (шоири)нинг ёки фан доктори илмий даражасига эга таниқли адабиётшуносниг тавсияномасини ҳам топширадилар.

Ҳужжатлар 20 сентябрдан 5 октябргача қабул қилинади:

1. Ректор номига ариза.
2. Олий ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 086 У шаклдаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат (шахсан кўрсатилади).
6. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимидан тавсиянома

Мурожаат учун телефон: 46-36-55, 46-36-95

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

2001-2002 ўқув йили учун «Театр санъати» ва «Кино санъати» ҳамда телевидение йўналишлари бўйича Ассистентура-стажировка (режиссёрлик олий курслари)га тингловчилар қабул қилади.

Кириш синовлари 15-20 октябр кунлари ўтказилади.

Аризалар 2001 йил 10 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси 77 уй.
Тел: 56-29-83, 56-28-82, 56-28-80.

ЎЗБЕК ҚОМУСИ

2-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2-жилди нашрдан чиқди. Бу республикамиз маданий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Қомусимизнинг навбатдаги янги жилди «Бешик» мақоласи билан бошланиб, «Гидрофизика» мақоласи билан тугайди. У 4600 мақолани ўз ичига олган. Булар тарих, археология, фалсафа, адабиёт, санъат, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, табиий фанлар, иқтисодиёт, спорт ва бошқа соҳаларга оид мақолалардир. Бундан ташқари китобдан 28 давлатнинг географик ўрни, табиати, сиёсий тузуми, халқ хўжалиги, фани ва маданияти, Ўзбекистон билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ҳақида муфассал маълумотлар берилган. Янги жилдда иштирок этган муаллифлар доирасининг кенглиги (600 нафарга яқин) китоб республикадаги энг сара илмий кучларни сафарбар қилиш асосида дунёга келганлигини билдириб турибди.

2-жилдда 800дан ортиқ биографик мақола бор. Уларни ўқиб, дунёнинг буюк мутафаккирлари, давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Олий навли қоғозга чоп этилган китобнинг полиграфик ижроси юксак даражада. Ундан 1500 дан зиёд рангли ва оқ-қора сурат, харита, диаграмма, турли чизма ва жадваллар ўрин олган.

Қуйида «Ўзбек миллий энциклопедияси»нинг 2-жилдига кирган мақолалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БЕШИК ТЎЙИ

БЕШИК ТЎЙИ – Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар оиласида тўнғич фарзанд туғилиши шарафига ўтказиладиган тантанали маросим. Бу удум Ўзбекистон вилоятларида ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Бешик чақалоқнинг она қариндошлари – бобоси, бувиси, тоға ва ҳолалари томонидан қилинган. Бешик удуми б-н боғлиқ чақалоққа керакли барча буюмлар тайёрланган. Дастурхонга нон, патир ва анвои ширинликлар тугилган, шунингдек унга яна ўйинчоқлар (қиз бўлса қўғирчоқ) қўшилган.

Кўп ерларда (хусусан Тошкентда) чақалоққа атаб (агар ўғил бўлса) той ҳам ясатилган. Чақалоқнинг ота-онаси, бобоси ва бувисига сарпо ҳам қўйилган. Безатилган бешик, совғаларни арава (машина)га юклаб, карнай-сурнай ва чилдирмачилар жўрлигида олиб борилган.

Меҳмонлар кутиб олинганда, ниятлари оқ бўлиши, болага бахт тилаш рамзи сифатида уларнинг юзларига ун суриб қабул қилинган. Шу вақтнинг ўзида бошқа хонада доя буви бошчилигида барча ирим-сиримлар ижро этилиб, чақалоқни бешикка белаш маросими (одатда, болани бешикка кўп болали аёл белаган) ўтказилган.

Маросим охирида яқин қариндошлар чақалоқ ҳузурига, юз кўрарга кириб, совға бериб, бешик устига ширинлик сочиб, бахт тилаб чиқиб кетадилар.

БУХОРО БОСҚИНИ

БУХОРО БОСҚИНИ, Бухоро операцияси – Қизил Армиянинг *Бухоро хонлиги*ни тугатиш ва унинг ҳудудида шўролар ҳокимиятини барпо этиш мақсадида уюштирган босқини (1920 йил 28 август – 2 сентябрь). Большевиклар халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиб, 1920 йил февралда *Хива хонлиги*ни босиб олганларидан сўнг Бухоро амирлиги сари юзландилар. 1920 йил май ойи бошларида Москвага келган Турккомиссия аъзолари Ш. Элиава ва Я. Рудзутак РСФСР ташқи ишлар вазири Г.В.Чичеринга «Туркомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради» деган баёнотини топширди. 1920 йил 22 майда РКП(б) МК бюроси Бухорога ҳужум қилиш тўғрисидаги Туркомиссия аъзоларининг ушбу фикрини маъқуллади. *Туркистон фронти* қўшинларининг қўмондони М.В.*Фрунзе* Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб 1920 йил 31 июлда В.И.Ленинга телеграмма жўнатган. РСФСР қуролли кучлари бош қўмондони С.С.Каменев бу телеграммага «Кулай фурсатда бошлашга рухсат берилади» деб қисқа жавоб юборган. 1920 йил 12 августда М. Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро гуруҳи(фронти)ни тузиш ҳақида буйруқ берган. Шу тариқа амирлик чегараларига 7 минг пиёда, 2,5 минг отлиқ аскар, 5 оғир тўп, 35 енгил тўп, 206 замбарак, 5 бронеавтомобиль, 5 бронепоезд ва 11 аэроплан шай ҳолатга келтириб қўйилган. Амир Олимхон ихтиёрида 15 минг сарбоз, 55 эски тўп ва 12 пулемёт бор эди, хорлос. Ҳарбий кучлар нисбатига кўра Туркистон фронти замонавий қуролларга эга эди. 16–18 августда Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-съезди бўлиб, у амирга қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилган. Большевикларнинг маккорона режалари амалга оша бошлаган. Тарихда «ялпи қўзғолон» деб аталган ҳаракат 1920 йил 23 августда Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор бозорни ишғол қилиши б-н бошланди. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари дарҳол Эски Чоржўйни ишғол қилганлар, юздан ортиқ амалдорлар қамоққа олинган. Чоржўй беклиги хазинаси қўлга киритилиб, бу бойликлар дарҳол Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат қўлига ўтган. Илгаридан келишувга кўра шу куни Чоржўй ревкоми «Бутун Бухоро халқи номидан» Туркистон фронтига ёрдам сўраб мурожаат қилган, вақоланки Бухоро халқи съезд қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам бехабар эди. Бухоро тақдири қизил қўшин ихтиёрига топширилганди. М. Фрунзе «ёрдам» тўғрисидаги мурожаатни олгач, қўшинларини 4 та зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттақўрғон, Чоржўй ва Когон)га бўлган. Самарқанд гуруҳи 29–30 августда Шаҳрисабз – Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб Қарши ва Ғузорни эгаллаши, Каттақўрғон гуруҳига эса шу кунлари Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани олиши, Чоржўй гуруҳи бўлса эски Чоржўйни эгаллаб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат қилиши, Фороб ва Қоракўлни эгаллаб, қўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. Асосий вазифа Когон гуруҳи зиммасига юкланди. У эски Бухорони эгаллаши, Олимхонни асир олиши ва Арқдаги хазинани эгаллаши керак эди. 1920 йил 29 августдан бошлаб эски Бухоро ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган. Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ва Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан 1–2 сентябр кунлари шаҳарга 12 минг снаряд ташланган. 11 та аэроплан эса шаҳар устида 3 кун бомба ёғдирган. Бир неча млн. дона патрон сарфланган шаҳар ҳатто кимёвий снарядлардан ўққа тутилган. Шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 кг дан ортиқ порох кўмилиб портлатилган. Қулаб тушган дарвозалардан қизиллар шаҳарга бостириб кирганлар. Кўча жанглари бошланиб кетган. Амир Олимхон шаҳар обидаларини аҳолини омон сақлаш мақсадида шаҳарни ташлаб чиқиб кетган. Шўро аэропланлари уни қидириб топиш баҳонасида шаҳар атрофидаги қишлоқларни, тарихий обидалардан *Ситораи Моҳи Хосани* бомбардимон қилишган. 2 сентябрда қизиллар Аркни эгаллаб унинг устига ўзларининг байроқларини тикканлар. Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг 1/5 қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган. Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи Нофеий» («Фойдали тарих») асарида қизил аскарлар томонидан қилинган Бухоро босқини оқибатларини қуйидагича тасвирлайди: «Бухорони босиб олиш натижасида 34 гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасаси ёниб кетди.... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Колон, Зиндондан Тўқумдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гул бозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди... Шаҳарда 3 мингга яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди». Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб айтишган. Шаҳарга кирган қизиллар Арқдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қушбеги ва бошқа амалдорларининг бойлигини мусодара қилганлар. Аскарлар ва қўшин раҳбарлари катта бойлик орттирганлар. Туркистон инқилобий-ҳарбий бюро «учлиги»нинг аъзоси А. Машицкийнинг 1920 йил сентябрда Ленинга ёзган маълумотномасида шаҳар маркази яксон қилинганлиги, Регистон ва Арк ёндирилгани, Арк ертўлаларидаги ва омборхоналаридаги бойликлар – олтин, кумуш, бриллиантлар талангани, бунда Қизил Армия бевосита қатнашгани ҳақида хабар берган. Сентябрь ойларининг бошида амирлик хазинаси ва бошқа бойликлар ортилган 2 эшелон юк Тошкент орқали Москвага йўл олди. Қарийб 15 сентябргача давом этган Бухоро таловини гувоҳи бўлган Туркомиссия вакили Г. Сафаров ўз хотирасида: «Бухорога келган қизил қўшинлар энг аввало талончилик билан шуғулландилар. Улар ҳаммани ва ҳамма нарсани таладилар. Умуман қизиллар Бухорони талаш учун келган эдилар», деб ёзганди. Бухородан сўнг қизиллар амирлик таркибидаги 27 бекликни ҳам бирин-кетин эгаллашган ва бу билан *Бухоро хонлиги*га барҳам берганлар, унинг ҳудудида *Бухоро Халқ Совет Республикаси* тузилган. Қизил аскар найзалари остида қилич ва ўт билан «Бухоро инқилоби» амалга оширилиб, собиқ ёш бухоролик жадидлардан иборат Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) ташкил топди.

Умар Рашидов, Қаҳрамон Ражабов

БИЛГА ҲОҚОН БИТИКТОШИ



БИЛГА ҲОҚОН БИТИКТОШИ – мармар битиктош, туркий ёзув ёдгорлиги. Билга ҳоқон шарафига қўйилган (735 йил). Улан Батордан 400 км жанубдаги Қорабалғасун шаҳрининг харобаларидан тахминан 40 км шимолда жойлашган. Бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 74 см, қалинлиги 72 см. Билга ҳоқон битиктоши 80 сатрдан иборат: 41 сатри тошнинг юз томонига, 15 сатрдан 30 сатр икки ён томонига, 7 сатр орқа томонига, 2 сатр тошнинг тарашланган 2 қиррасига ёзилган. Мазкур битиктошни Култегин битиктоши билан бирга 1889 йили рус олими Н.М.Ядринцев Мўғулистоннинг Кошо Цайдам водийсида Кўкшин Урхун дарёси бўйидан топган. Ёдгорлик матни немис, француз, дан, инглиз, рус тилларига таржима қилинган, турк ва ўзбек тилларида тавсиф этилган.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда *виждони* буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан виждон эркинлигига *демократия* кўринишларидан бири сифатида қаралади. Юридик нуқтаи назардан виждон эркинлиги инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 1998 йил 1 майда янги таҳрири тасдиқланган) назарда тутилган. Конституцияга кўра, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Айни вақтда янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра, динга муносабатидан қатъи назар фуқароларнинг тенглиги таъминланади (4-модда). Ушбу қонунда таъкидланишича, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонун муайян ёшга етган фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун диний ташкилот тузиш, олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб берган. Айни вақтда диндан давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, миллатлараро адоват уйғотишда, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди (5-модда).

БОБУР МИЛЛИЙ БОҒИ МАЖМУАСИ

БОБУР МИЛЛИЙ БОҒИ МАЖМУАСИ, Боғи Бобур – Андижон шаҳрининг жануби-шарқида – Буюк ипак йўли ёқаси (Боғишамол)даги адирда жойлашган ёдгорлик мажмуи (меъмори Муҳаммаджон Мирзаев). 300 *га* майдонни эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси халқаро Бобур жамғармаси (раҳбари Зокиржон Машрабов) ташаббуси билан 1991–92 йилларда барпо этилган. Қабул шаҳридаги «Боғи Бобур»га қиёсан қурилган. Боққа кириш учун шарқона услубда қурилган мармар дарвоза-йўлакдан кўп поғонали зиналар орқали юқорига кўтарилади. Биринчи супачада Бобурнинг улкан ҳайкали (ҳайкалтарош Қодиржон Салоҳиддинов) ўрнатилган. Ундан юқоридаги супачада «Бобур ва жаҳон маданияти музейи» қад кўтарган. Унинг мовий гумбази ичидаги ва деворидаги безак-расмларни «Бобурнома» асари мазмунида маҳаллий рассом Улуғбек Болтабоев чизган. Музей кўргазмаларида Бобур жамғармаси турли мамлакатларга бир неча бор уюштирган экспедиция натижасида тўпланган ноёб тарихий китоблар, Бобур асарларининг қўлёзма нусхалари, хусусан «Хати Бобурий»да Бобур ўз қўли билан кўчирган Қуръони карим нусхаси, Бобур даври қурол-аслаҳалари, сарой аҳли кийимлари, бобурий подшоҳлар зарб қилдирган танга пуллардан намуналар қўйилган. Музейнинг икки ёнидан ўтган мармар зинали йўл яна ҳам юқорига, сўнгги супага кўтарилади. Бу ерда Бобурнинг рамзий қабр-сағанаси (Қобулдаги Бобур қабри тупроғидан олиб келиб қўйилган). Рамзий қабрдан юқорига кетган йўл болалар ўйин майдончаларига олиб чиқади. Пастдан истироҳат боғининг юқорисига осма йўл (2 км) ҳам ўтказилган. Боғда ҳунармандчилик буюмлари дўкони, шунингдек чойхона, ошхона ва бошқа дам олиш масканлари бор. Алоҳида дам олиш жойида концерт кўриш саҳнаси, кураш ва бошқа мусобақалар ўтказиладиган майдон қурилган. Боғда 20 хилдан ортиқ мевали (ёнғоқ, узум, олма, анор, анжир, гилос ва бошқа), 10 дан ортиқ манзарали дарахтлар (арча, чинор, эман, чаканда, мажнунтол, мирзатерак ва бошқалар) бор. Боғ ниҳоятда хушманзара, обод; Андижон шаҳари ва атрофдаги аҳолининг оромгоҳ ва зиёратгоҳ жойи. Бу ерда Наврўз ва Мустақиллик кунлари халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Собиржон Шокаримов



Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуи.

БУХОРО МИНИАТЮРА МАКТАБИ

БУХОРО МИНИАТЮРА МАКТАБИ – Ўзбекистон миниатюра санъатидаги ўзига хос йўналиш. Ўрта асрлар (16–17-асрлар)да Бухорода шаклланган. Бухоро миниатюра мактабининг ривожланиш даври Бухорода шайбонийхонлар (16-аср), аштархонийлар (17-аср) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. *Ҳирот миниатюра мактаби* таъсирида ривожланган Бухоро миниатюра мактаби дастлаб Бухорога келган Ҳирот миниатюра мактаби вакилларининг ижоди билан боғлиқ бўлган ва маҳаллий бадиий анъаналар таъсирида шаклланаётган мустақил услубни акс эттирган оқимлар кўринишида бўлиб, 1550-йиллар ўрталаридан мустақил ривожланган. Умумлаштириш, шаклнинг ихчамлиги, кийим ва безакларнинг аниқ ҳамда йирик ишланиши, бўшлиқнинг бир текис тузилиши, меъморий тасвир ва заминнинг соддалаштирилиши каби хусусиятларга эга бўлган. Умумий ранглар ёркин, тиниқ (тўқ сариқ ва қора ранглар устунлиги сезилади), расмлар учун яратувчанлик, тантанаворлик руҳи хос бўлган. Расмларда қабул саҳналари, табиат оғушидаги учрашувлар, маиший манзаралар, сарой ҳаётидан олинган ахлоқий лавҳалар ва бошқа мавзулар кенг ўрин олган; кўчманчи ҳаёт кўринишлари, маҳаллий этник турлар ҳам учрайди. 16-аср охиридан тасвирий санъатда мавжуд анъанавий, расмий дабдабали йўналиш билан бир қаторда демократик мавзулар шаклланди ва мустаҳкамланди, шаҳар ҳаётидан олинган жанрли лавҳалар, ҳунармандлик мавзуларининг сони кўпайди. Бухоро миниатюра мактабининг йирик вакиллари: *Маҳмуд Музаҳҳиб*, Шайхзода, *Абдулла* Мусаввир (16-аср); *Муҳаммад Шариф*, *Муҳаммад Муқим*, Аваз Муҳаммад, Муҳаммадамин, Фарҳод, Мулла Беҳзод, Хўжа Гадой (17-аср) ва бошқалар. 16-аср охири ва 17-аср бошларида Моваронаҳрнинг қўшни мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши туфайли Бухоро миниатюра мактаби вакиллари асарларида Ҳиндистон ва Эрон тасвирий санъатининг таъсири ўз ифодасини топган. Бу мактаб вакиллари томонидан Саъдийнинг «Бўстон» (1575–76), Жомийнинг «Туҳфат ул-аҳрор» (16-асрнинг 70-йиллари), Деҳлавийнинг «Тарихи Хизрхон» (1579), Низомийнинг «Хамса» (1648, ҳаммаси Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонада), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1664, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтида) асарлари, шунингдек тарихий, диний асарлар бадиий безатилган. Китобларни бу тарзда безаш кейинги даврларда ҳам давом этди, масалан, Аҳмад Дониш. Абдулҳолиқ Маҳдум ва бошқалар. 20-аср 20-йилларида Бухоро миниатюра мактаби анъаналари уста Наби Ҳафизов (плакатлар ишлаган), С. Почаев ижодида давом эттирилди.

Э.Исмоилова

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ (хитойча «Ванли чонгчанг» – «10 минг ли узунликдаги девор»), Саддй Чиний – Шим. Хитойдаги қалъа девори. Қадимий Хитой меъморлигининг улкан ёдгорлиги. Қалъа девори сифатида дастлабки қисми милоддан аввалги 4–3-асрларда (тош ва ғиштдан ишланиб, ичи тупроқ билан тўлдириб, шиббалаб) қурилган. Милоддан аввалги 2–1-асрларда Гарбга томон 500 км га узайтирилган. Кейинчалик уни қуриш ва мустаҳкамлаш ишлари (14–15-асрлар) давом этган. 1953 йилда Цзюйюнгуань қалъаси (Пекин) яқинидаги қисми таъмирланган. Буюк Хитой девори Цзюйюнгуань қалъаси (Ганьсу вилоятининг ғарби) ва Шанхайгуань (Ляодун кўрфази қирғоғи) қалъа-кўрғони оралиғида чўзилган; кўтарилиш жойлари ва тармоқлари билан узунлиги 5000 км га яқин (тўлиқ сақланмаган). Хитой археолог олимларининг 2001 йилдаги илмий тадқиқотларига кўра, Хитойнинг жануби-ғарбидаги сунъий тепалик ҳам Буюк Хитой деворига даҳлдорлиги – унинг давоми эканлиги аниқланди. Бу билан Буюк Хитой деворининг умумий узунлиги 530 км га кўпайди. Буюк Хитой деворининг баландлиги – 6,6 м (шинакларининг деворлари билан 8–10 м гача), кенглиги – асосида 6,5 м дан юқорисида 5 м гача. Ҳар бир неча юз метрда соқчилар учун тўртбурчакли буржлар (баландлиги 10–12 м) қурилган, ҳар 10 км да кузатиш ва хабар бериш учун миноралари, тоғдаги муҳим ўтиш жойларида мустаҳкам кўрғонлари бўлган. Буюк Хитой девори меъморий ёдгорлик сифатида сақланади. Алишер Навоийнинг Садди Искандарий достонида Буюк Хитой девори (Садди Чин) девори номи билан тилга олинган.



«ВОМИҚ ВА УЗРО»

«ВОМИҚ ВА УЗРО» – Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган анъанавий эпик асар. Мавзу Шарқ халқлари фольклори ва адабиётига юнон адабиётидан ўтган деган фикр мавжуд. *Давлатшоҳ Самарқандий* ҳамда ўрта аср ижодкорлари асарларидаги маълумотларга кўра ушбу мавзу исломгача ҳам машҳур бўлган. Асарнинг *вариант* ва *версия*лари кўп. Уларни анъанавий мавзу ва образлар силсиласи бир-бирига яқинлаштиради. Барчасида ошиқ-маъшуқнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Фольклор нусхаларига кўра, арабларнинг саъд қабиласи бошлиқларидан бири Сокиннинг ёлғиз ўғли Вомиқ гул сайлига кетаётиб, чавандоз Зайднинг қизи Узрони учратади. Ёзма адабиётдаги вариантларда Вомиқ Узронинг суратини кўриб, унга ошиқ бўлади. Севишганлар саргузашти тенглик, адолат учун кураш, халқлар дўстлиги мавзулари билан узвий боғланиб, ижобий қаҳрамонлар зулмга қарши курашчи ва эзгу ҳислатли кишилар сифатида гавдаланади. «Вомиқ ва Узро»ни ўзбек, озарбайжон, туркман, турк ва бошқа халқлар бахшилари ҳам куйлаганлар. *Раҳматулла Юсуф ўғли*дан ёзиб олинган «Вомиқ ва Узро» достони диққатга сазовор.

Ёзма адабиётда «Вомиқ ва Узро» мавзуида шоир Унсурий (11-аср), Ҳусайн Дамирий Исфаҳоний (16-аср) ва бошқалар асарлар яратганлар.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ – болалар ва ўсмирлар учун яратилган бадиий, илмий, илмий-оммабоп ва публицистик асарлар ташкил этади. Жаҳон халқлари, шу жумладан ўзбек халқи болалар адабиёти тез айтиш, топишмоқ, ўйин қўшиқлари, ривоят, афсона, эртак, мақол, масал ва достон сингари аксарият қисми болаларга мўлжаллаб яратилган оғзаки ижод намуналаридан бошланади. Болалар адабиётини бевосита болаларга мўлжаллаб яратилган ва аслида болаларга мўлжалланмаган бўлса-да, кейинчалик болалар адабиётига ўтиб қолган асарларга ажратиш мумкин.

Болалар адабиётининг ўзига хос хусусияти – ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, у китобхон ёши, тарихий давр ва ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқ. Китобхон ёшини ҳисобга олиш болалар адабиётининг энг асосий хусусиятларидандир...

Шарқ ёзма адабиётида «панднома», «мавъизатнома», «насиҳатнома», «ахлоқ китоблари» сингари номлар билан тасниф қилинувчи асарлар болалар адабиётининг дастлабки намуналари ҳисобланади. Масалан, Кайковуснинг «Мавъизатномаи Кайковус» («*Қобуснома*»), Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон» асарлари шулар жумласидандир. Булар таржима воситасида ўзбек болалар адабиётига кириб келган. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Мантиқ ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари, Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор», Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарлари эса ўзбек болалар адабиётининг мумтоз намуналари бўлиб, панд-насиҳат руҳидаги мақолат ва ҳикоятлари билан асрлар мобайнида ёш авлодни яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Болалар адабиётининг шаклланиши деярли барча халқларда асосан маърифатпарварлик ва мактаб-маориф тизими ислоҳотлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек болалар адабиётининг барқарорлашуви ҳам 19-аср иккинчи ярми – 20-аср бошларидаги маърифатпарварлик ҳаракатига бориб тақалади. Саидрасул Азизий, Мунаввар-қори, Абдулла Авлоний, Ҳамза ва бошқа ўнлаб маърифатпарварларнинг «янги усул» («усули жадидия»)даги ўзбек мактаблари талабалари учун яратган элликка яқин алифбо ва ўқиш китоблари ўзбек болалар адабиётининг том маънодаги ёркин намуналари ҳисобланади...

Шарқ адабиёти энг яхши намуналарини араб, форс тилидан таржима қилиш болалар адабиёти таржимачилигидаги бир йўналиш бўлса, ғарб адабиёти, хусусан рус адабиёти намуналарини ўзбекчалаштириш иккинчи йўналишни ташкил этди... 20-аср 20–30-йилларида Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Шокир Сулаймон, Илёс Муслим, Ғулом Зафарий, Айний, Элбек, Зафар Диёр, Султон Жўра, Қудрат Ҳикмат, Қуддус Муҳаммадий, Шукур Саъдулла, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин ва бошқа ижодкорларнинг асарлари ўзбек болалар адабиётининг ривожланишида, махсус адабиёт сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди...

Саҳифани Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади

Давра суҳбати

ЁШЛАР ШЕЪРИЯТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИНЛАР

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, адабиётшунос: – «Ёшлар шеърияти» деган иборанинг ўзи киши кўнглида бир умид пайдо қилади. Чунки ёшлик бор жойда ўзгариш бўлади, ёшлик бор жойда янгиланиш бўлади, албатта. Зотан, ҳар бир авлод ўз руҳий-маънавий эҳтиёжи билан кириб келади ва шубҳасиз, янги гап айтишга ҳаракат қилади. Ва кўпинча улар: «Янги гап айтаяпман, шеъриятда янгилик яратяпман», деб ўйлашади. Мен суҳбатдошларни ёшлар шеъриятига шу нуқтаи назардан қарашга таклиф этган бўлардим.

Рустам МУСУРМОН, шоир: – Мустақиллик даврида ёшларга ижод эркинлиги имконияти берилди. Озод адабиётнинг бадиий-эстетик тамойиллари шаклланди. Мустақиллик мафкураси яратилди. Мана Ватан, мана она тил, мана миллий тарих... Мавзулар шунчалик кўпайдики, фақат ёзиш керак бўлди.

Зоминлик шоира Дилбар Донабоева ёзганидек,

Билмоқ учун осмоннинг осмонлигини
Унга учмоқ керак.
Юракни қанот қилиб
Уни қучмоқ керак.
Ушлаб кўрмоқ керак
Чақмоқ қамчисин.
Татиб кўрмоқ керак
Ёмғир томчисин.:.
Билмоқ учун заминнинг заминлигини
Унга уруғ бўлиб
Кўмилмоқ лозим...

Кўчқор Норқобилнинг қиссалари, Фахриёрнинг «Аёлғу», Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Кундуз сарҳадлари», Салим Ашурнинг «Сиз эртага келасиз» номли шеърий китоблари, қорақалпоғистонлик шоир Бахтиёр Генжамуроднинг «Мадэхон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик» достони Истиқлол йиллари ёшлар адабиётининг муваффақиятидир.

Булардан ташқари «Истеъдод» туркумида чоп этилган ўнлаб шеърий тўпламлар, «Истиқлол умидлари» алманахининг 2000-2001 йилги сонлари бугунги ёшлар шеъриятининг ютуқ ва камчиликларини рўй-рост кўрсатди.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД, шоир: Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги нафақат XX асрнинг, балки минг йилликнинг сўнгги ўн йилига тўғри келдики, кўҳна тарих олдида қисқа туюлган бу фурсат тамомила ўзгача шаклу шамойилда кечди. Айни пайтда сиёсат, иқтисод соҳасида бўлгани каби маънавият жабҳасида ҳам жаҳон умумийликка интилаётир. Ёпиқ мамлакатлар қолмади ҳисоб. Ўша муайян даражадаги бирликка интилиш хусусияти санъатнинг бошқа турлари қаторида шеъриятга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Даставвал янгиликка ташна ёшлар эстетик қарашларини ўзгартирмоқ лозимлигини англаб етдилар. Кейинги ўн йилликда қандай бадиий тажрибага ҳавас уйғонган бўлмасин, бу ҳаракатларни дунёқарашни тозартиришга уриниш, деб билмоқ керак.

Илҳомбек ҚУРБОНБОЕВ, адабиётшунос: – Кейинги йилларда ёшлар шеъриятида фалсафий-интеллектуал оҳанг анча кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ сўз, ижод ва истеъдодга муносабат янгиланди. Зеро, ҳаётда кузатилгани сингари, адабиётда ҳам бадиий тафаккур эврилишлари тараққиёт гаровидир. Истеъдодли ёш шоирлар ижодида одам ва олам муносабатларини турфа ракурслардан тасвирлаш, ранглар уйғунлиги ҳамда зиддиятида англаш ва англатишга интилишлар деярли анъанага айланаёзди. Жумладан, Фахриёр ва Баҳром Рўзимуҳаммад шеърлари бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, уларнинг бадиий изланишларини қофия ва вазнга нисбатан эркин ижодий муносабат бирлаштириб туради:

Бу ер умумники, инқилаб,
Тармашмагин унга, ерпараст одам.
Сенга берармиди Инқилоб
Тортиб олганини худодан?
ФАХРИЁР

Бир қарашда бу мисралар жўн тасвирнинг баёнидек таассурот қолдиради. Бироқ сўзнинг сеҳри китобхонни жиддий кинояга йўғрилган фавқулодда фалсафий ҳукм сари йўналтиради. Кутилмаган фикр, теран идрок муштарак ҳолда нозик умумлашмага айланади.

Ван Гог
қулоғини
шартта кесиб ташлади
қулоғига мозор ясади ранглардан.
Б.РЎЗИМУҲАММАД

Руҳий таҳлилнинг энг юқори босқичида ҳақиқат тажассум топади. Мавҳумлик пардасига беркинган «У»ни далиллаш ёки асослаш эмас, балки кўриш ва кўрсатиш аҳамиятлироқ.

Шунингдек, ёшлар ижодида тасаввуфий оҳанглар ўзгача сажияда жилоланмоқда. Кўнгил изҳори ва руҳ фалсафасини бадиий теранлик сари йўналтириш, мазкур тариқат мақомларига янгича қарашларни сингдириш замирида миллий ўзликни идрок этишга, ўткинчи ҳою ҳаваслардан ҳимояланишга, миллий руҳиятни шакллантиришга қаратилган мақсадлар кузатилаётгани қувончли ҳол, албатта. Бироқ бундай ғоявий-бадиий изланишлар ҳали тўла самара бера олмаётганини таъкидлаш жоиз:

Кўнгил – куй кўйида озурда қушча,
Кўнгил – ишқ можаросин шева этган.
Кўнгил –куймоқ иши эзгин ҳамиша,
Кўнгил – оҳи била кўкларга етган.
Абдувоҳид ҲАЙИТ

Кўнгилнинг бош аъмоли ўз-ўзини англашга интилишдан иборат эканлиги эътироф этилган ҳодиса. Узлуксиз кечадиган жараёнда ижодкор ўз қалби розларини мутолаа қилади, руҳнинг адо бўлмас қирраларини кашф этади. Бироқ шеърда бу хусусиятлар кўзга ташланмайди. Ижодий оригиналлик ўрнини сийқаси чиқиб кетган мазмун эгаллайди. Муқоясанинг ўзига хослигини турғун бирикмалар чиппакка чиқарган.

Шермурод СУБҲОНОВ, адабиётшунос: – Мустақиллик даври ёшлар шеъриятининг ўзига хос хусусиятларидан бири ва энг муҳими, жаҳон адабиётининг илғор йўналишларидан баҳраманд бўлиш баробарида миллий адабиётимизни бойитувчи, ранг-баранглигини таъминловчи намуналар пайдо бўла бошлаганидир. Шунингдек, уларнинг шеърларида ўзидан олдинги салафларидан фарқли ўлароқ, инсонга нафақат ижтимоий мавжудот, балки илоҳий хилқат сифатида ёндошиш кучли бўлиб, унинг хатти-ҳаракатлари, ўй ва тушунчалари ҳар жиҳатдан психологик таҳлил объектига тортилади. Шеър сўз ўйинига бурканади, тасаввуфона моҳият касб этади.

Сафар ОЛЛОЁР, шоир: –Менимча, мустақиллик даври ёшлар шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳали тўла намоён бўлгани йўқ. Истеъдодлар талайгина. Уларнинг бири у бири бу "изм"ларга «тирмашиш»га ҳаракат қилишяпти, холос. Натижалар, назаримда, уларнинг ўзлари ҳам кутганчалик бўлиб чиқмаяпти. Лекин мен ишонаман, яқин-орада катта куч билан яна бир авлод адабиётимизга кириб келади.

И.ҲАҚҚУЛ: –Менинг бу фикрим, эҳтимол, суҳбатдошларга маъқул бўлмас. Бироқ мен ўзим истаган руҳий, образлилик деймизми, умуман маҳоратни намойиш этган шеърларни ёшлар ижодида кам учратаман. Ёшларнинг жуда кўп шеърлари бир-бирига ўхшайди. Бунинг сабабларини ўйлаб, ўзимча шундай хулосага келаманки, ШЕЪРИЯТДАГИ ЯНГИЛАНИШ, АДАБИЁТДАГИ ЯНГИЛАНИШ БАРИБИР ШАХС БИЛАН БОҒЛИҚ! КУЧЛИ ШАХС БЎЛГАН ЖОЙДА ШЕЪРИЯТ ЖУДА ҲАМ илгарилаб кетади. Кучли шахс қайси маънода? Биринчидан, унинг руҳий имкониятлари жуда кенг бўлади. Шеъриятда асосий нарса РУҲИЙ АНГЛАШ... Шу руҳий имкониятларни кўрмасам, бирон бир шеърдан, ҳеч бўлмаса, бир руҳий манзарани топмасам, ё гўзал бир ташбеҳми, образми – руҳиятга хизмат қилмаса бундай шеър мени қизиқтирмайди. Ҳа, бу ўзим билган гаплар экан-да, дейман. Ёки шу гапни қофияга солиш шартмиди, деган фикрлар пайдо бўлади.

Фузулийнинг бир гапи бор: «Илмсиз шеър, асоси йўқ девордир». Навоийдай шоири бор халқнинг қаламкаши саёз шеър ёзишга, шеъриятга юзаки қарашга ёки ҳовлиқишга ҳеч ҳам ҳаққи йўқ.

Б.РЎЗИМУҲАММАД: –Ҳазрат Навоий шеъриятни «сўз айтмоқ» деб билади. «Шундоқ сўз айтибдур» қабилидаги ибораларни кўп илмий рисолаларда учратамиз. Бинобарин, мавзу бирламчи эмас. Сўз айтиш йўсини, яъни санъат бирламчидир. Мумтоз шоирлар қанчадан-қанча тасвирий воситалардан унумли фойдаланганлар. Зотан, шоирнинг кучи – санъаткорлигида.

Фузулийнинг ишқ мавзуидаги ўнлаб ғазалларини ўқиб ҳеч зерикмайсиз. Сабаби тилдаги нафислик ўзига тортади. Дейлик, Навоий ҳазратларининг соҳибжамол қизнинг сочи, қоши, кўзи, холи,- хати таърифланган ғазалларини бир жойга жамласак каттакон китоб бўлади. Ҳазрат шундан бошқа ҳеч нарса ёзмаган тақдирида ҳам даҳо сифатида тарихда қолмоғи мумкин эди.

Тўғри, даҳоларнинг йўриғи ўзгача. Аммо, Иброҳим ака айтганидек, шу улуғлик мақомидан хулоса чиқармоғимиз керак. Вақтли нашрларни варақлаб кўрсангиз япроқ,ёмғир, йил фасллари, ёлғизлик мавзуидаги эгизак шеърларни кўп учратасиз. Бундай ҳолат ўқувчини шеърдан бездириб юборади.

Аслида бизнинг нуқсонимиз– тил билмаганимиз. Ўткир Ҳошимов «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» номли китобида шундай далил келтиради: «... Алишер Навоий 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган». Демак, тил билиш – ўз-ўзини такрорламасликнинг бош омили.

Р.МУСУРМОН: – Сўзнинг имкониятлари кенг. Бироқ Сўзни ўқиш, Сўзни уқиш ва Сўзни кашф этиш осон эмас. Ёшлар шеъриятида мавзу кўлами торайиб бораётгани рост. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири, устоз Абдулла Орипов ўгитларини таъкидлашни истардим: «Ёшлар кўпинча кўнгил кечинмалари, ўз руҳий дунёларини қоғозга туширади. Бу яхши. Бироқ муқаддас Ватан, элу юрт мавзуида залворли асарлар битиш пайти келди. Ғоявий кўламни кенгайтириш бадиий тафаккурни юксалтириш замони келди бугун. Истиқлол ижод жабҳасида ҳам жуда катта имкониятларни яратиб берди...».

И.ҚУРБОНБОЕВ: – Умуман олганда, бадиий адабиётда мавзуни чегаралаб бўлмайди. Фақат шеърга шаклий ихчамлик, фалсафий мушоҳада тиниқлиги ҳамда фикрий-ҳиссий тасвир теранлиги шартини қўйиш мумкин.

«Истеъдод» туркумида чоп этилган тўпламларда гоҳ интим туйғуларнинг саёз тасвири кўзга ташланса, гоҳ ижтимоий-ахлоқий мавзуларнинг сунъий ифодаси китобхоннинг ғашига тегади. Бу хусусиятларни Б.Жўраев, Ҳ.Абдиназар, П.Содиқ шеърларида кузатиш мумкин:

Эртага ҳам шу бўлар яна,
Сезмай кўнгил оғриқларини.
Қўлга босиб ўчирар дўстинг,
Сигаретлар қолдиқларини...
Б.ЖЎРАЕВ

Англашиляптики, мисралар жўн тафсилотнинг оддий баёни. Совуққонлик билан ўқиладиган ва тезда унутилиб кетадиган бундай шеърларни истаганча келтириш мумкин. Қизиғи шундаки, бундай намуналар минглаб нусхаларда нашр этилмоқда. Уларни мутолаа қилган китобхон шеър шунақа бўларкан, деган тасаввурга боради.

Руҳий таҳлил устуворлиги ва фикрий такомил изчиллиги ижодий яхлитликни таъминлайди. Фавқулодда ҳукм-хулоса бадиий тўқималарга сингиб, шоир шеърларининг савиясини белгилаб беради. Баъзан уларда тақлидчилик унсурлари ҳам пайдо бўлади.

Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин –

деб ёзади атоқли шоиримиз Абдулла Орипов. Фахриёрнинг қуйидаги сатрлари ана шу машҳур шеърдан мазмунан фарқ қилмайди:

Тахир бир шаробсан, о ширин ҳаёт,
Сабрим косасига сени қуярман,
Ичарман кўз ёшни ичганим каби.

Ш.СУБҲОНОВ: – Мавзу танлаш, нима ҳақда шеър ёзиш, аввало, ҳар бир шоирнинг ихтиёридадир. Бироқ ижодкорнинг дунёқараши қанчалик кенг бўлса, унинг асарларидаги мавзу ҳам шунчалик сержилолик касб этади. Қолаверса, иқтидорли шоирларгина ҳаётни бутун мураккаблиги-ю, зиддиятлари билан акс эттириш қобилиятига эгадирлар.

Дарҳақиқат, бугунги кўпгина ёшлар ижодидаги мавзулар интим туйғулар доирасида чегараланиб қолишининг маълум сабаблари бор, албатта. Шуни ҳам айтиш керакки, интим туйғу шеърнинг жозибадорлигини таъминловчи етакчи унсур ҳисобланади. Бугун нафақат бошловчи, ўзлигини излаётган ижодкорлар, балки ўзини шоир сифатида танитиб улгурган шоирларнинг ҳам кўпроқ айнан шу мавзуга мурожаат қилишларининг боиси айнан шунда, деб биламан.

С.ОЛЛОЁР: – Аслида, менинг назаримда, ёш шоирлар ижодида мавзу кўлами хийла кенг, бироқ бу кенгликни тадқиқ этиш етарли даражада эмас. Тўғри, айрим шеърларда оҳорли ташбеҳлар учрайди. Аммо бир-иккита янги топилма фикр билан шеърни тўлақонли даражага етказиш қийин. Чунки моҳият масаласи бор. Моҳият эса мукаммалликни талаб қилади. Демак, мукаммал битта шеър ёзиш учун ҳаётдаги муайян воқеликнинг ёки жараённинг туб моҳиятини англаш керак. Англаганда ҳам бошқалардан кўра чуқурроқ ва нозикроқ дид билан ҳис этиш шарт. Йўқса, бундай шеърга қўл урмаган маъқул. Ёшларнинг бир қадар интим туйғулар доирасида чегараланиб қолаётганига сабаб шу, менингча. Негаки, шеърда фикр айтиш ва бу фикрни мантиқан асослаш, яна уни шеър тилига мослаш, қофия, туроқ каби шеърий тартиблардан ташқари, лирик оҳанг ва бадиий бўёқларда бериш – бу катта масала.

Менимча, шеър ёзилаётганда ёзиш маданиятини сақлай билиш ҳам улкан маҳорат талаб қилади. Кўпчилик ёш шоирларимизда шу нарса етишмайди. Улар бутун эҳтиросларини шеърга тўкиб солишни одат қилишган. Ҳатто шу даражага боришадики, ўз маъшуқаси ёки ошиғига бўлган интим туйғуларини очиқдан-очиқ ёзишаверади. Кечирасиз-ку, пинҳоний мактубларда ҳам бунчалик андишасизлик бўлмаса керак. Тан эҳтиёжи, аниқроғи, биологик эҳтиёжлар шеърда ёзиладиган нарса эмас. Шунинг учун нимани ёзиш билан нимани ёзмасликни билиш, бу – энг асосий масъулиятдир.

И.ҲАҚҚУЛ: – Саксонинчи йилларда шеъриятда янги шакл изланишлари, услуб изланишлари бўлган ва ўша пайтда бу ҳаракатлар ўзини оқлаган. Лекин ўша даврда ҳам ғарбга тақлид аниқ сезиларди. Энди бугунги ёшлар шаклий изланишларида ўша йиллар шеъриятидан ошириб, менинг назаримда, бирон нарса қилаётгани йўқ. Шу маънода, мана бу нарса шаклий ёки жанрий «ярқ» этиб кўзга ташланяпти, деган гапни айтолмайман.

Кейинги йилларда шеъриятимизда, хусусан, ёшлар ижодида ҳам диний-тасаввуфий маънодаги шеърлар пайдо бўлди. Мана шу шеърларнинг ҳам илдизи жуда чуқур эмас. Бугун китобхонлар шу мавзудаги шеърларни ўқиши мумкин, шундай гаплар одамларга керак, деган тушунча билан бундай шеърлар ёзилаётгандай туюлади. Аслида бу шеърлар аксарияти тасаввуфий ҳам эмас ёки динга ҳам чуқур бориб боғланадиган жойи йўқ.

Яқинда бир ёзувчининг гапини ўқиб қолдим: «Ижодкор қачон ўзининг мавжудлигига, ўзлигига нигоҳ ташласа, улкан санъаткор бўлиши мумкин», дейди у. Назаримда, ёшлар кўпроқ атрофни кўради, одамларни кўради, лекин ўзини кам кўради.

Шеъриятнинг ҳамма сири ўзингдан келиб чиқиб айтишда. Чунки ўзингга қизиқ бўлган нарса – бошқага қизиқ. Шоир ҳеч қачон бировга фикр ўргатаман ёки ахлоққа даъват этаман, деган фикрни зиммасига олмаслиги керак. Бу ўз-ўзидан бўладиган нарса. Шунинг учун фикрбозликка уриниш ёки фикрини суиистеъмол қилиб, одамларнинг эътиборини қозонишга уриниш билан яхши ёзиб бўлмайди.

Мен яхши шеърни соғинаман. Яхши шеър булутдан ёққан ёмғирдай, ярқ этган чақиндай, бир алоҳида ҳодиса... Шу ҳодисани шоирнинг ўзи билиши керак. Шунинг шавқи билан юриши керак. Токи иккинчи марта шунчаки халтура шеър ёзишга унга имкон қолмасин. Бир яхши шеър иккинчисини ана шу тарзда туғдиради.

Р.МУСУРМОН: – Яхши шеърни соғиниш – муборак туйғу. Бироқ бошловчи ижодкорлар ёки ёшлар эмас, ҳатто тажрибали, ёши улуғ ижодкорлар шеърларини ҳам баъзан бир-биридан фарқлаш душвор. Бунинг сабаби, билганини ўқийдиган «мулла»ларнинг гапни «а, а, а,б» ёки «а, а, б, а» тарздаги қофияга солиб 11 ҳижоли вазнда чайнашларидами, деб ўйлаб қоласан гоҳо. Китобни кўп ўқийдиган, тарихни шеърга солишга уста бўлиб қолганларнинг «а, а», «б, б» тарзда қофияланган узундан-узоқ маснавийларини мутолаа қилсанг, ҳафсаланг пир бўлади.

Нега? Айб фақат қофиядами, вазндами? Ахир, 11 ҳижоли вазнда ҳам, маснавийда ҳам адабиётимизнинг мумтоз намуналари яратилган-ку.

Мовийлик денгизи борлиқни
кўмган,
Бетимга салқин ел
аста уринар...
Нигоҳим кундузнинг
нурига кўмган,
Узоқдан чинакчи
қизлар кўринар.

Усмон Носирнинг бу мисраларини ўқиганда кўзларингиз юлдуздек чақнамайдими?!

Айб шаклда эмас, маҳоратсизликда. Рамзни билмаган, рангларни, сўзнинг бўёқларини фарқлай олмайдиган ижодкор ҳеч қачон янги шеър ёзолмайди.

Б.РЎЗИМУҲАММАД: –Бир жиҳатдан назмдаги якрангликка ноширлар ҳам айбдор. Негаки, ноширларимиз жуда осон усулни танлашади: савияси паст ўқувчиларни ҳисобга олибми, билмадим, анъанавий нарсаларни босишиб, ноанъанавий шеърлар, таржима асарларини ғаладонга ташлаб қўяқолишади. «Фалон мавзуда шеърингиз борми?» саволи ўрнига «бошқача усулда ёзилган шеър олиб келинг» десалар яхши бўларди. Айни кунда ижодкорлар ҳам, адабиёт ихлосмандлари ҳам янгича йўналишларга ташна бўлиб туришибди. Новатор шоирлар Шамшод Абдулла, Лариса Дабижа, Рифат Гумеров шеърларини таржима қилиб, оммавий нашрларда чоп этмоқ керак. Масалан, Шамшод Абдуллани ғарбда кўпчилик танийди,бизда эса унинг шеърлари унчалик оммалашмаган.

И.ҚУРБОНБОЕВ: – Сўз санъатини қуруқ тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида тушунадиганлар аввал қанчалик кўп бўлса, ҳозир ҳам истаганча топилади. Демак, шаклан барқарор, мазмунан бир-бирига яқин намуналарнинг кўпайишига эскича қараш асоратлари имкон туғдиради. Қолаверса, шеъриятда бир қанча бадиий тафсиллар мавжудки, уларни қўллаган ҳолда бемалол шеър ёзиш мумкин. Ачинарли томони, бундай сайёр бадиий тафсилотлар истеъдодли шоирлар ижодида ҳам учрайди:

Ҳаёт, сен шаробсан, майсан бир сузим,
Йигирма тўрт йилки тўймадим, аё.
Юрар май ичинда ғуссалар юзиб,
Соқиё, айш қаён, уқубат қаён?

60-йилларда устоз шоирлардан бири қўллаган бу ифода кейинчалик Усмон Азимда янада сайқал топди. Шундан сўнг бу тафсил шеъриятнинг «доимий ҳамроҳи»га айланди. Тўғри, ҳар бир тафсилга ўзига хос усулда ёндашиш, унга янги маъно қирраларини юклаш ижобий натижалар келтириши мумкин. Бироқ бу ўринда ижодий таъсир ва тақлидчилик ўртасидаги тафовутни унутмаслигимиз даркор. Фахриёрнинг юқорида зикр этилган мисраларида кейинги хусусият устунлик қилади.

Бир хилликнинг иккинчи ўқ илдизи мавзу, тасвир ва ифода йўналишининг чекланганлиги билан боғлиқдир. Тор доирадаги изланишлар сўзбозликнинг урчишига, ўртамиёначиликка юз тутишга кенг имкониятлар яратиб беради.

С.ОЛЛОЁР: – Даврада ижодий таъсирланиш, тақлид ҳақида гапирилди. Эҳтимол, ижодкорлар кўнглидаги руҳий яқинлик шеърга бир хил кўчар. Илгари буюк ижодкорларнинг тез-тез жой ўзгартириб,ҳаво алмаштириб туришларининг асл сабаби шунда бўлса ажаб эмас. Чунки фақат руҳиятни янгилашгина янги ижод маҳсулини бериши мумкин. Руҳиятни янгилашда жуғрофий иқлим ва манзараларнинг ўрни беқиёс. Табиатдан олинган таассуротлар ҳамиша руҳиятга табиий таъсир кўрсатади.

Ш.СУБҲОНОВ: – Ёшлар шеъриятидаги шаклий изланишлар Мустақиллик даврида янада ёрқин, янада яққолроқ ўз аксини топди, десак хато бўлмайди. Чунки айнан шу даврга келиб халқни миллий маҳдудликка етакловчи зуғум ва зўравонликка барҳам берилди. Жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, маданиятимизда ҳам туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Жумладан, сарбаст вазнининг баъзи ёш шоирлар ижодида кенг ўрин эгаллаши миллий шеъриятимизнинг шакл ва мазмун жиҳатидан бойишига олиб келди.

Бугун сарбастда ижод қилаётган истеъдодли ёш шоирларнинг шеърларидаги ўзига хослик нафақат ифода шаклидаю сўз танлашда, шунингдек, кишини чуқур ўйга толдирувчи, ўқувчини фикрлашга ундовчи ташбеҳу рамзийликда, тасаввуфона оҳангда кўринади. Бир сўз билан айтганда Ғарб ва Шарқ шеъриятининг бадиий воситаларини ўзида акс эттирган ва уларни миллий маданиятимизга уйғунлаштира олганликларида кўринади.

Бироқ истеъдодли шоирларимизнинг чоп этилган тўпламларидаги барча шеърларни ҳам тугал деб бўлмайди. Мисол учун, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг 1997 йили чиққан «Тинч гуллайдиган дарахт» шеърий тўпламида шоирнинг ўз овозини, услубини тасдиқлаб турувчи табиий-қуйма мисралар билан бир қаторда, баъзан бўш, меъёрига етмаган, зўраки ва ноўрин қўлланган сатрларга ҳам дуч келамиз. Хусусан, шоир «Тонгда ёмғир ёғди...» деб бошланувчи шеърида ёмғир ёққандан кейинги табиатнинг шаффоф,беғубор манзарасини чизар экан, тааж жубки, кутилмаганда мавзуни ўлимга қаратиб ноўрин лирик чекиниш ясайди:

эшитган эдимки
ёмғирдан кейин
ҳалок бўлар экан баъзи жонзотлар
уларга қўшилиб ўлсайдим қани
сингиб кетсам эдим ёмғирдек ерга.

Тонг чоғи ёмғирнинг ёғиши шоирнинг кайфиятида ҳам ҳаёт, ҳам ўлим тушунчаларини уйғотиши мумкин, бироқ шеърда қўлланилган салбий ҳолатнинг мавзуга дахлсизлиги, тўғрироғи, сингишмагани шеър жозибасини пасайтирган.

Р.МУСУРМОН: – Яқинда «Оила шифокори» газетасида Шавкатжон Қаршиевнинг бир шеърини ўқидим.

Яна шомни, ширин тушни эслайман,
Муҳаббатни, гўё сени эслайман,
Титроқли лабларни, гўё
юзларингни силайман,
Олисларга кетма дея,
жоним яна чорлайман.

Жўнликни, саёзликни, сўз бирикмаларидаги номутаносибликни, мантиқсизликни қаранг! Айрим ёш хонандалар мана шу каби пала-партиш сўзлар йиғиндисига куй басталаб, қўшиқ қилишади. Қани, бу шеър эмас, деб уқтириб кўринг-чи. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Эътиборсизликда. Шеъриятнинг нима эканлигини билмаган одам ёнингизга келиб, «шоирман» деб даъво қилганини кўриб кўрмасликка олганимизда, ўзим яхши ёзсам бўлди-да, деб ўйлаганимизда эмасмикан?!

Йўқ, ижодни зиммасига олган одам, тилнинг тозалиги учун, уни авлодларга бор жозибаси билан етказиш учун ҳам масъулдир.

И.ҲАҚҚУЛ: – Шайхзода айтадилар: «Шеърсиз қалбларга ачинаман мен». Шеър ёзишингиз шарт эмас.- Сизнинг ҳисларингизни ифода қилган шеър – бу сизнинг шеърингиз.

И.ҚУРБОНБОЕВ: – Кейинги йиллар сўз санъатини янги уфқларга етаклаши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Фақат кейинги йиллар ёшлар ижодида ижтимоий фаоллик ўрнини руҳий фаоллик эгаллади. Таниқли адиб Шукур Холмирзаев эътироф этганидек, назмчиликда анъанавий йўналиш ва руҳ йўлидаги изланишлар юзага келди. Янгича тасвирий-бадиий воситалар, улардан фойдаланиш даражаси ички шеърий қатламлар ривожланишини белгилаб бера бошлади. Асқар Маҳкамнинг бадиий изланишларида анъанавий усул ғарбона шартлилик билан уйғунлашди. Вафо Файзулло шеърлари таҳлил ҳамда тасвирнинг ўзаро муносабати асосига қурилган. Гўзал Бегимнинг модернча талқинлари маромига етмоқда. Айни пайтда жўн тасвир, сийқаси чиққан сўз-образларни кенг қўллаш, мавҳум иборалар, дабдабабозлик ҳам бисёр. Аслида «измлар» адабиётнинг такомилини белгиламайди. Истеъдод йўналиши ва даражаси асл шеъриятнинг такомилига хизмат қилади. Айнан шеъриятда акс этган саёзликнинг туб сабабларини турфа йўналишларга кўр-кўрона тақлид, эътиқод қўйишдан изламоқ зарур.

Б.РЎЗИМУҲАММАД: –Ҳеч бир шоирда учрамайдиган тамомила янгича шакл яратиш тасаввурга сиғмайдиган амал. Чунки, донишманд айтганидек, ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир. Шакл топиш ижодкордан катта куч талаб этади. Ва бу изланишлар жараёнида тақлидчиликни четлаб ўтиш қийин. Гёте таъбирича, изланиш бор жойда адашиш ҳам бор. Асосийси, ўзгача усулда ёзишдан ҳайиқмаслик керак.

Сўнгги вақтларда товушга урғу бериб, ўқувчи ҳис-туйғуларини қўзғатадиган усуллар пайдо бўлмоқда. Халқ оғзаки ижоди оҳангида ёзилган, жуда қадимий ташбеҳларни ёдга соладиган шеърларни ўқияпмиз. Бу борада Шукур Жаббор, Даврон Ражаб, Бектемир Пирнафас, Шермурод Субҳон, Икром Искандар каби шоирлар эътиборимизни тортади. Назаримизда, янги аср авлоди бўй-бастини кўрсатаётгандай...

Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Мунаққидлар лоқайдликка берилса, ўз вақтида адабий жараёнга муносабат билдирмаса эндигина шаклланаётган авангард шеърият учқунлари сўниб кетади, тажрибаларга қизиқиш сусаяди. **Ўртамиёна қаламкашларга эса рағбатнинг ҳожати ҳам йўқ. Улар адабий танқидчилик жим турган жойда даҳолик даъво қилиб, қулоқни батанга келтириши ҳеч гапмас.**

Саёзлик, сийқаликнинг асосий сабаби – қаламкашнинг ахлоқсизлигида. Ақлий-шуурий кучини чамалаб кўрмасдан катта нарсалар даъво қилиш, очиқчасига хушомадгўйлик ўтакетган ахлоқсизликдир. Бу иллат маънавиятимизга ҳам дарз етказади.

С.ОЛЛОЁР: – «Барча тажрибалар умид ва синчковлик чангалида пишиб етилади», деган экан Балзак. Демак, изланишлар ўз самарасини беришига ишонса бўлади. Негаки, ёш шоирларда бунинг учун умид ҳам, синчковлик ҳам бор. Албатта, шеър қандай шаклда ёки жанрда бўлишидан қатъий назар, бош масала – бу бадиий мукаммалликдир.

Б.РЎЗИМУҲАММАД: –Биз ким учун ёзяпмиз? Бугун ёзганларимизни,айтайлик, ўн, йигирма йилдан кейин ким ўқийди? Шу каби саволлар ўзини шоир деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсонни безовта қилиши табиий. Ҳозир ҳеч ким шеър ўқимайди, қабилидаги нолинишлар баҳона бўлолмайди. Аввало, ҳар биримиз дунё адабиётига дахлдорман деб ўйлаб қалам тебратишимиз керак.

Назаримда профессионал шеъриятнинг замони келмоқда. Бунда асосий тамойил инсон руҳиятининг тадқиқоти бўлади. Тасаввуфми, экзистенциализм деймизми, барининг моҳияти битта – «одамзод қанақа мавжудот ўзи?» деган саволига жавоб ахтариш ва шу асно да ўзингни алдашдан, овутишдан тийилишдир. Лоақал шоирнинг танҳо ўзи тушуниб, хотири жам бўлмоғи учун ҳам қоғоз қоралаши мароқли машғулот...

Ўзбек шеъриятини дунё миқёсига олиб чиқиш ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим. Замонавий шоирларимиз асарлари инглизчага кам таржима қилингани маълум. Яқинда ёш қаламкаш Аъзам Обидов Чўлпоннинг ўн бешта, Усмон Носирнинг еттита шеърини инглиз тилига ўгириб, алоҳида китобча шаклида чоп эттирди. Китобчада аслият ва таржима ёнма-ён жойлаштирилган. Таржима сифати шу соҳа мутахассислари ҳукмига ҳавола. Лекин бу таржималар камида таглама вазифасини бажарар деб ўйлайман. Бундай ишларни қўллаб-қувватламоқ жоиз. Шу тариқа замонавий шеъриятимиз жаҳон миқёсига чиқиб борса ажаб эмас.

И.ҲАҚҚУЛ: – 20-аср маънавият маъносида ҳам, руҳоният маъносида ҳам оғир аср бўлди. Шундай шароитда ҳам бизнинг адабиёт ўз хизматини адо этди. Шу адабиётнинг анъаналарини давом эттирган ижодкорлар авлоди кам бўлмайди.

Яна ўн, ўн беш йилдан кейин адабиётда кучли бир эврилиш юз беради. Айрим ёзувчилар 21 аср ўзбек насри асри бўлади, дейишади. Мен эса адабиётдаги ҳар қандай кўтарилиш шеърият орқали амалга ошади, деб ўйлайман. Навоийси, Чўлпони бор халқнинг адабиёти юксалиши эса ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди.

Р.МУСУРМОН: –Эртанги кун шеъриятининг тамойилларини бугунги шеърлар белгилайди. Биз янги асрда, янги даврда яшаяпмиз. Бу, албатта, янги адабиётнинг – мустақиллик адабиётининг дебочасидир. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти уммонига қуйиладиган катта бир дарё. Ўйлайманки, бу дарёнинг уммонлари келажакда тўлиб-тошади.

Шу ўринда устоз Абдулла Ориповнинг бир анжуманда айтган гаплари ёдимга тушди: "**Дунёнинг барча ерида истеъдоднинг мезони бир хил. Демак, Ўзбекистоннинг истеъдодли шоири Францияда ҳам, Жанубий Америкада ҳам истеъдодли саналади**". Келажакда истеъдод билан ёзилган шеърлар кўпайишига ишонаман.

Ш.СУБҲОН: – Истиқболда ҳам, бугунги кун шоирлари учун ҳам жумбоқ бўлиб қолувчи – инсон деган хилқатни тушунишча, унинг руҳий оламини таҳлил қилишга интилиш кучли бўлади. Шу маънода эртанги шеъриятимизда Ғарбу Шарқ шеъриятининг етакчи жиҳатларини ўзида акс эттирган ва буни Миллий шеъриятимизга сингдира олган модерн йўналишидаги бадиий ижодий тамойиллар устун бўлади, деб ўйлайман.

И.ҚУРБОНБОЕВ: –Ҳаркалай, эртанги адабиёт «изм»лардан холи, юксак шарқона эзгу анъаналарни ўзида мужассамлаштирган интеллектуал адабиёт сифатида тараққий этади. Турфа услубий-шаклий изланишлар, бадиий тажрибалар, илғор анъаналар унинг бутунлигини таъминлайди. Шак-шубҳа йўқки, миллий адабиётимиз юксак бадиий-фалсафий сарҳадларга интилишда давом этади. Ранг-баранг шеърий оқимларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш эса Вақтнинг зиммасида. Ҳаққонийлик, миллийлик ҳамда бадиий етуклик адабиётимизнинг асосий тамойилларини белгилаб бериши учун кенг имкониятлар мавжуд. Бунинг учун ижодий тажрибалар ҳам, бадиий изланишлар ҳам, истеъдод қамрови ҳам етарли. Мазкур хусусиятлар шеъриятимизни умуминсоний миқёсларга кўтарилишига шароит яратиб беради.

ТАҲРИРИЯТДАН: давра сувбати иштирокчиларининг ёшлар шеърияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Навқирон шоирларимизнинг бугунги ижодий жараёнда, адабиётимизни сара асарлар билан бойитишдаги ўрни ва хизмат ҳақида Сизда муайян тасаввур ҳосил бўлди, деган умиддамиз. Мақсадимиз эса ёш ижодкорларнинг изланишлари, бу борадаги ютуқ ва камчиликларини адабиётшунослар, танқидчилар, қолаверса, шеърият ихлосмандлари, китобхонлар эътиборига олиб чиқиш.

Албатта, бир суҳбат доирасида ёшлар шеърияти билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олишнинг имкони йўқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давра суҳбатида кўтарилган долзарб масалалар, муаммолар ҳақидаги чиқишларни давом эттириш ниятидамиз. Газетамизнинг келгуси сонларида «Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар» рукнида айни шу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан иштирок этишингиз мумкин.

Давра суҳбати материалларини Аҳмад ОТАБОЕВ тайёрлади.

ҲАЙРАТДАН ТУҒИЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Университетдаги домламизнинг бир гапини кўп эслайман.

Бир рассом гўзал қиз суратини қоғозга кўчиради. Расм шу қадар маҳорат билан чизиладики, ҳатто рассомнинг ўзи ундан кўз узолмай, эртадан кечгача тикилиб ўтиради. «Чўмилаётган қиз» сурати музейга сотилиб, дунё кезади. Ҳижрон азобига чидолмаган, эс-ҳушини йўқотаёзган рассом суратни излаб, юртма-юрт кезиб ҳолдан тояди, лекин руҳи синмайди. Неча йиллик азоблардан сўнг у ўз маъшуқаси, севгилисини топади ва у билан дийдорлашади, унинг ёнида мангу қолиш истагини билдиради... Ўшанда биз, талабалар домламизнинг сўзларини юрак ютиб тинглаганимиз ёдимда. Мен қачон музейларга борсам ё китоб варақласам, ўша гўзалнинг суратини излайвераман, бу балки унга ҳавас қилганимдандир, билмадим.

Ҳа, санъат, адабиёт, мусиқа мана шундай қудратли кучга эга. Юртимизнинг буюк рассомларидан бири Чингиз Аҳмаров ҳам шундай кучга эга санъаткорлардан бири эди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганлар орасида бу рассомнинг борлиги бежиз эмас.

Менимча, Чингиз Аҳмаров суратларини ҳайратланиб, энтикиб томоша қилмаган инсон кам топилса керак. Болалигимда гўзал қизларнинг суратини чизишга интилиб, Чингиз аканинг катта рангли расмлар китобини ёнимга қўйиб олиб, расмларимни уларга ўхшатишга ҳаракат қилганим ёдимда. Мен ўша қизларни, гўзалларни жуда яхши кўрардим. Шунинг учун бўлса керак, бу рассом номини эшитсам, хаёлимга дафъатан ўша –болаликда томоша қилганим аёллар сурати келади.

Чингиз Аҳмаров тарихий мавзуларда баракали ижод этган. Бу унинг ўтмишни нақадар яхши билганлигидан далолатдир. Бетакрор рассом ижодига хос баъзи сифатларни билиш мақсадида архитектура фанлари доктори, профессор Додо Нозиловга мурожаат этдим. «Чингиз Аҳмаров институтда бизларга уч йил дарс берган, –деди у киши. –Мен бу одамни ниҳоятда ҳушсурат, ширинсўз инсон сифатида эслаб қолганман. Манзаралари та-



бийий, деталларни қалаштирмайди, олдинги планда синган гул ёки гуллаб турган дарахт, орқада баландликлар, кўкка туташиб кетган тепаликлар. Рассом бир ранг билан бутун қоғозга жон киритиб юборади.

Энди унинг иш услубига келсак, айтиш жоизки, деворга катта пландаги суратлар чизиш мелодгача V-VI асрларда урф бўлган. Афросиёб, Панжакент, Варахша, Болаликтепадан топилган асарлар бундан далолат беради. Чингиз Аҳмаров ўша йўқолаёзган услубга қайта ҳаёт бағишлади, десак тўғри бўлади».

Шарқшунослик институти фойесидаги, Алишер Навоий музейидаги маҳобатли деворий суратларни кузатиб, ўзимизни воқеа содир бўлаётган макон ва замонда юргандек ҳис қиламиз. Тарихий мавзуда асар яратиш мушкул эканлигини кўп рассомлар эътироф этишади. Негаки, ижодкор ўша даврга руҳан парвоз этиши, кийим-кечаклардан тортиб, уйларнинг кўриниши, ўтмиш билан боғлиқ тарихий воқеалар, шахслар ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиши керак. Бунинг учун кўп ўқиш, изланиш, тарихни билиш ҳам баъзан камлик қилиб қолиши мумкин.

Рассом суратлари орасида шоира Зулфия портрети диққатимни тортади: аёлларга хос нафосат, гўзаллик, маҳзунлик билан бирга, чинакам ижодкор образи юрагимни энтиктириб юборади... Рақс тушаётган қизнинг кўзлари юмуқ, у фақат мусиқани тинглаб, берилиб хиром айламоқда. Нафис ҳаракатлари парвозга шай оққушни эслатади. Устоз санъаткорнинг мухлисларидан, шоира Замира Эгамбердиева шундай дейди: «Чингиз Аҳмаров гўзалликни куйловчи рассом. Рафаэл, Рэмбранд асарларини ҳам тан олиб, завқланиб томоша қиламиз, лекин Чингиз Аҳмаров образларига ўзгача завқ билан, ҳавас билан боқаман, беихтиёр ўша аёлларга ўхшагим келади. Йўқ, мени уларнинг жисмоний етуклиги эмас, балки айнан кўзлари, нигоҳлари ҳайратлантиради. «Етти гўзал»ни оламизми ё Нодира образиними, ҳаммасининг ўзигагина хос бўлган қараши бор. Улар бир қарашда бир-бирига ўхшайди, лекин яхшилаб кузатсангиз, ҳар бири ўзича гўзал, ўйчан, маъсумалик, ҳайрат ва нафосат уларнинг нигоҳларига кўчган.

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: суратларни ўқий олган одам инсон қалбини ҳам, албатта, ўқийди. Чингиз Аҳмаровнинг буюклиги ҳам шунда: мусаввир ижодининг марказида биз ҳавас қилган, интилган инсон сиймоси туради. Аёлга муҳаббати кучли инсон аёл ҳақида кучли асар яратади. Бу ерда гап рассомнинг истеъдодидагина эмас, балки унинг муҳаббатида ҳам бўлса керак».

Телевидениедаги чиқишларидан бирида Чингиз Аҳмаров: «Мен аёлни мўъжиза деб биламан. Ҳар сафар қўлимга мўйқалам олиб аёлни чизишни бошлаганимда олдимда турган оппоқ қоғозга илк бор сурат чизаётгандек ҳис этаман ўзимни. Мен уларнинг нигоҳидаги нафис гўзалликдан ҳар сафар ҳайратланавераман», деган эдилар.

Чингиз Аҳмаров образларига боқиб, уларни тушунгандек, ҳис этгандек, ўзимни қийнаган саволларга жавоб топгандек бўламан. Ҳа, бу инсон чинакам гўзалликдан ҳайратлана билган. Шунинг учундир, у кишининг мумтоз асарлари барча замонларда одамлар қалбини ҳайратга солиб, гўзалликка ошно этиб келаверади.

ШАҲРИБОНУ

СЕНГА ҚЎЙДИМ ЯХШИ ОТ, АЛЛА...

Оналар ва болалар йили

Дунёга келган гўдакнинг ҳаёти она алласидан бошланади. Аллада онанинг эзгу ўй-фикрлари, орзу-умидлари, меҳру муҳаббати мужассам. Она учун фарзанд ҳамма нарсадан улуғ, қадрли, ширин, азиз. Шунинг учун уни уммонларнинг тубидан топиб олган гавҳарим, ҳаётим шаъми, умидим юлдузи, деб ардоқлайди, суяди. Оналарга хос бағрикенглик, қуёшдай меҳрибонлик дил қаъридан сизиб чиққан дил наволарида таралади.

Сенга қўйдим яхши от, алла,
Яхши ниятдир мурод, алла.
Юрту элга суянсанг, алла,
Сенга бўлғуси қанот, алла.

Алланинг майин ва сирли оҳанги оғушида вояга етган болакай вужудида она юртига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси ҳам улғайиб боради. Муҳаббат ниҳоли инсон қалбида она алласию, оқ сути билан парвариш топса, Ватан ва юрт туйғуси куртак ёзса, не ажаб. Бу ниҳолнинг боғбони – Она бўлганлиги учун ҳам, Она Ватаним, Она юртим деб атаймиз. Шунинг учун ҳам Ватан ва Онани бир-биридан ажратиб суёлмаймиз. Шунинг учун ҳам Онани Ватан каби муқаддас санаймиз.

Оналардаги бор фазилатлар болаларга кўчади. Болалардаги беғуборлик, тўғрилик ва самимийлик қалбларимизга нурафшонлик ҳадя этади. Оналаримиз ва фарзандларимиз истиқболига талпинишимизнинг боиси ҳам шундандир.

Оналар чин муҳаббат эгалари. Она боласига меҳр кўрсатибгина қолмай, унинг Ватанга, элу юртга содиқ фарзанд бўлиб камолга етишида ибрат бўладиган юксак сиймодир. Онаси, аёли маърифатли миллатнинг келажаги ҳам улуғдир.

Онажон! Сизнинг нурли юзларингизга боқиб тўймайман.

Миллатнинг келажаги сизнинг қўлингизда, онажон!

* * *

Болажон! Йиллар юзларига из солиб кетган момогинанг илк бор бешикка боғлаб, сенга аллалар айтгани, атак-чечак юрганингда бағрига босиб суйгани, пиру бадавлат-



лик насиб этсин деб бобонг қўлларига олиб бошингни силаб қўйгани ва тўлиб-тошиб «Гўрўғли»ю «Алпомиш»дан достон сўзлагани – бу сенинг бахтинг, бойлигинг. Сенинг ойдин юзларингга боқиб келгуси ҳаётинг нурафшон бўлишини илғаш қийин эмас. Сен босиб ўтмоқчи бўлган йўллар кўп қадим йўллардир. Бу йўлларда юриб, ота-боболаримизнинг муқаддас изларини кўриш ва пок руҳларини сезиш қийин эмас. Ҳаётнинг қийин синовларидан ўтаётганингда боболар босиб ўтган йўлдан бор, йиқилмайсан, қоқилмайсан. Чунки бу йўллар шу қадар нурлики, нурлар оғушида ўзингни бардам ва кучли, ҳур ва озод ҳис этасан!

Болажон! Онангга ва Ватанингга муносиб фарзанд бўл!

АДИБА

Устодлар

"ШОИРЛИГИНГНИ БИЛАМАН, ИСМИНГНИ АЙТ"

Наби Ғаниевнинг фуқаролик жасорати, сермаҳсул ижоди юксак тақдирланиб, «Буюк хизматлари учун» ордени берилгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, ниҳоятда қувониб, миннатдорчилик ҳис-туйғуларига тўлиб тошдим. Наби Ғаниевни билмаган ким бор? «Тоҳир ва Зуҳра» ҳали ҳам экранимиз кўрки. Шу ўринда бир-икки маълумотни келтириб ўтайлик.

Бу, даҳоси ниҳоятда кучли шахс, узоқни кўра билган ижодкор 1927 йилдаёқ «Ҳокилаган Шуҳрат ака ҳам ҳаяжонда эканлиги шундоқ сезилиб турарди. Гапимиз бир жойдан чиқди. Бир-биримизни тўлдирдик.

– Наби ака бир хатида «санъат манфаати ҳамма нарсадан устундир» деб ёзганида халқнинг дардини, орзу-умидини, теран фикри ва эҳтиросли ҳис-туйғуларини ифода этадиган санъатни назарда тутган бўлса керак-да, Шуҳрат Солиҳович?

лидаги гапни айтарди. Айтганда ҳам эҳтирос билан, таъсирчан кинематографик шаклда айтарди. Насриддиннинг ҳазилида олам-олам маъно бор. У шунчаки кулдириб, ҳазиллашиб, сўз ўйини қилиб, қувноқ кайфият уйғотиб қўя қолмайди. Фикрлашга ундайди. Бу жараён эса пировардида инсоннинг мукаммаллашувига ёрдам беришига ишониб, ёниб ишларди.

— Бу фазилат унга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолганми, дейман, Шуҳрат ака! Севгини ҳам мумтоз шеърияҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. У зиёли оилада тарбия топиб, олдин маъмурий идораларда ишлаган. Кейин матбаачиликни касб қилиб олган. Бу ишнинг машаққатини тортган кишигина билади. Шоир Зокирович, мана, салкам қирқ йилдан буён шу машаққатдан қочмай ноширлик нонини еб келяпти. Фаолиятини соҳанинг остонасидан бошлаб, бу касбнинг сир-асрорини сув қилиб симирди. Ҳарф териш, босмахона ходими билан ишлаш, корректура ўқиш, муҳаррирлик, директорлик... Ҳар бирининг "калит"и бор. Шоир Усмонхўжаев шу калитни топган. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовдан сўнг анча йиллар Ғафур Ғулом номидаги нашриётни бошқарди. Кейин "Ёзувчи" нашриёти ташкил этилиб, тажрибали мутахассис у ерга юборилди.

Бу ерда ҳам ўзбек адабиётининг, маданиятининг гули йиғилар эди. Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Наби Раҳимов... Нашриёт ходимлари ҳушмуомала, яхши хизмат қилиб турарди. "Меҳмон"лар орасида Низом Комилов билан каминаи камтарин ҳам бўлар эди, албатта.

Икки қават юқорида "Ойдин" газетаси жойлашган, унинг раҳбари Миад Ҳакимов атрофида ҳам

Икки оғиз дил сўзи

кўпчилик тўпланарди. Учқун Назаров, Наим Каримов, Эркин Жўраев... Хуллас, аҳилликда, тадбиркорликда гап кўп экан. "Ойдин" ҳам, "Ёзувчи" ҳам ўқувчи эътиборини тортиб турди.

Шоир Зокирович Ғафур Ғулом номидаги нашриётда узоқ ишлади. Остонадан "тахт"гача етган жойи шу ер. Бу ерда Одил Ёқубов, Ҳасан Тўрабеков, Носир Фозилов, Мирзиёд Мирзоидов сингари ўз ишининг усталари ишлаган. Бошқа касб эгаларини-ку, билмайман, аммо, нашриётда ишлаганман, биламан - ёзувчи, шоир деганингиз билан муомала қилиш ниҳоятда оғир. Чунки ҳамма китобим чиқсин, дейди, ҳамма "биринчи". Аммо бунинг иложи йўқ. Қўлидан келган ҳам ёзади, қўлидан келмаган ҳам. "Нега дўхтирнинг китоби чиқади-ю, бизники чиқмайди?" деб жанжал қилганлар ҳам кўп эди. Чунки тиббиёт фанлари номзоди, ниҳоятда зукко инсон Зикрилла Эгамбердиев қизи Зарифанинг номини ҳам қўшиб, ажойиб ибратомуз китоблар ёзарди... Шоир Зокирович ҳамма билан тил топиш санъатини мукаммал эгаллаган эди.

Боя айтдим, истеъдодсиз муаллиф жанжалкаш келади. Бир куни шундай муаллифлардан бири келиб, қулоғини қоқиб қўлига берган, ўтираверган. Шоир Зокирович ҳам ҳамма қатори банда, зериккан, чарчаган. Нимадир бўлиб ташқарига чиққан. Эшигим очиқ эди, кирди. Чой узатдим. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб қолдик. Бир пайт котиба кирди. "Шоир ака, меҳмонингиз хонангизда, ўзингиз Машраб аканинг олдида ўтирибсиз, деди" жилмайиб. Роса мириқиб кулдик.

Шоир Зокировични оддий инсон, дўст сифатида ҳамма яхши кўради. У бир вақтлар ишлаб чиқариш бўлимида хизмат қилиб юрган пайтда нашриётга ўша пайтдаги анча машҳур шоир кириб келади. Нимадир бўлиб, дуч келишади. "Отинг нима?" - дейди шоир. "Шоир". "Айтдимку, шоирлигингни биламан, китобларингни ўқиганман, отингни сўраяпман!" Китобларини ўқиган шоирнинг исмини билмаслик ҳам... фаромушликка кирадими? Бу гап ўшанда анча пайтгача тилдан-тилга кўчиб, суҳбатларнинг мавзусига айланган эди.

Муҳим гаплардан бири эсдан чиқибди! Шоир Зокирович ижодий фаолият давомида жуда кўп китоб, кинофильм таржима қилган. Демак, ўзбек маданиятига ўз улушини қўшган.

Дўстларингиз, рафиқангиз, фарзандларингиз, набираларингиз, мухлисларингиз ардоғида узоқ умр кўринг, азизим Шоир Зокирович! Оллоҳдан сўраганим шу.

Дўстингиз, мухлисингиз
Машраб БОБОЕВ

МИЛЛИЙ КИНОМИЗ ДАРГАСИ

мият кимники?» филмини яратгани ва унда советлар юртимизда узоқ ҳукмронлик қилишига шубҳа билдиргани биласизми? Худди шу тасма махсус комиссия томонидан қайта-қайта кўрилгани, қоралангани, унинг муаллифи ва режиссёри Наби Ғанизода терговда, зиндонда азоб чекканини-чи?

Юртимиз янги алифбога ўтишини биринчилар қатори қўллаб-қувватлаб «Лотинлаштириш» (1928) сценарийси ҳамда филмини худди шу санъаткор бунёд этганидан хабардормисиз?..

Халқимиз оғир геноцид азоб-уқубатига дуч келган дамда у якка ўзи Москвага хат ёзгани (1937 йили!) ва Ўзбекистонга юборилаётган режиссёрлар талабга жавоб бермаслигини айтгани, филмлар Тошкентда кўрикдан ўтмасдан туриб «марказ»га юборилиши ғайритабиий ҳол эканлигини билдиргани, юртимизда кино асарлари муҳокамадан ўтишига йўл қўйилмаётганидан норози эканлигини кескин тарзда баён этганини эшитганмисиз?

Кўпчилик булардан бехабар эканига ишончим комил. Мустақиллик шабадалари қўша-қўша қулфлар билан беркитилган эшикларни очиб юборди...

Бугун кинематографиямиз асосчиси бўлмиш бу санъаткорни фақат «Тоҳир ва Зуҳра»дек буюк филмнинг ижодкори сифатидагина таърифлаш камлик қилади.

Келинг, шундай шукуҳли кунларда Наби аканинг фуқаролик ва ижодкорлик фазилатларини тилга олиб руҳини шод этайлик. Шу мақсадда Шуҳрат Аббосов билан учрашдик. Ижодини шу режиссёрнинг сўнгги бадиий филми – «Фарғона қизи»да (1948) бошлаган Шуҳрат ака ҳам ҳаяжонда эканлиги шундоқ сезилиб турарди. Гапимиз бир жойдан чиқди. Бир-биримизни тўлдирдик.

– Наби ака бир хатида «санъат манфаати ҳамма нарсадан устундир» деб ёзганида халқнинг дардини, орзу-умидини, теран фикри ва эҳтиросли ҳис-туйғуларини ифода этадиган санъатни назарда тутган бўлса керак-да, Шуҳрат Солиҳович?

— Халқ санъатини назарда тутган. Халққа хизмат қиладиган санъатни қадрлаган у. Ўзи ҳам халқ кўнглига яқин асарлар яратган. Қаранг: миллий, кучли характер борми унинг филмларида? Бор! Унинг тасмалари бошқа бирор юрт-

нинг асарларига ўхшайдими? Ўхшамайди! Кино олий ўқув юртларида таълим олмай туриб ҳам ноёб кадрлар яратишга қодир бўлганига нима дейсиз! Демак, Наби ака – туғма талант. Халқ орасидан чиққан ақл-заковат, ноёб истеъдод соҳиби!

– «Тоҳир ва Зуҳра» филмини услуб жиҳатдан мумтоз шеъриятга яқин, деб биламан, кўпгина бошқа асарларини халқ орасида пайдо бўлиб, йиллар, асрлар давомида сайқал топадиган оғзаки новеллаларга ўхшатаман: тили содда, шакли гўзал, қизиқарли, ғояси теран. Мен фақат Хўжа Насриддин ҳақидаги филмларнигина эмас «Рамазон»ни (1932) ҳам, «Фарғона қизини» (1948), «Йигит»ни (1935) ҳам назарда тутмоқдаман.

– Ўзи теран фикрларди, – деди Шуҳрат Аббосов. – Асарларининг қамрови кенг эди. Айни вақтда ҳар кимнинг дитимиздагидек катта куч билан, айни вақтда нозик, нафис бўёқларда мадҳ этган-ку!

— У Навоийдан, Лутфийдан озиқ олган. Бу қалам соҳиблари каби бадиий юксакликка, образлиликка интилган... Шу билан бирга Наби ака севгининг қадрига етган. Севишни билган. Бундай ҳис-туйғулари филмларидаги ошиқ-маъшуқлар ҳолатида қисман ўз аксини топди. «Қисман» деганимнинг боиси Н.Ғаниев кейинги асарларида муҳаббатни, садоқатни тараннум этиш тараддудида эди. «Алпомиш»да Ойбарчиннинг фазилатларини – аввало севган ва севилган қизнинг латофати, жозибасини, жасоратию довюраклигини кўрсатмоқчи бўлиб Юлдуз Ризаева билан ҳамкорликда ишлай бошлаган эди. Афсус, муродига етмади.

– Наби Ғаниевнинг бирорта филми осонгина қабул қилинган эмас. Асарларининг ҳар бири ҳақида танқидий гаплар айтилган. Буни устига қамашлар, тергов ва судлар, доимо назорат остида бўлиши соғлигига таъсир этмай қолмади. Ўзининг севикли қаҳрамонлари сингари ёш кетди...

— Унинг қадрига етишимиз учун мустақилликка эришишимиз, баракали ижод жараёнини қайта ўрганишимиз зарур бўлди... Бугун, «Наби Ғаниев энциклопедияси»ни яратишни таклиф этардим. Бундай йирик асар яратсак, биргина санъаткорнинг ижоди, ҳаёти тафсилотларигина эмас, кечаги кун кинематографиямизда содир бўлган барча воқеаларга аниқлик киритиларди. Зеро, «Наби Ғаниев» ва «Ўзбек миллий киноси» тушунчаларини бир-биридан айириб бўлмайди.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ИСТИҚЛОЛДАН ИЛҲОМ ОЛГАН РАССОМ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Йигитали Турсунназаров Соҳибқирон Амир Темур образини яратиш бўйича ўтказилган танловда уч қисмдан иборат асари билан қатнашди.

Учликнинг марказий қисмида Амир Темурнинг портрети жойлашган. Рассом унда Шарқ ҳукмдори қиёфасини акс эттирган. Асарнинг чап қисмида Соҳибқирон жанг майдонида тасвирланади. Рассом уни саркарда сифатида баландликда, жангчилар кўриқлаётган жойда ўзига ишонч билан қад ростлаб турган ҳолда акс эттиради. Пастда эса минг-минглаб жангчилар саф тортган. Ўнг томонда Амир Темурнинг безовта руҳи тимсоли берилган. Ўзининг қанотларини кенг ёйган оппоқ отида Амир Темур Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари узра интилмоқда. Учликнинг умумий руҳи томошабинни фикрлашга, фалсафий мушоҳадага чорлайди. Бу асар рассомнинг ёниб турган қалби, ижодга чанқоқ шахсияти ифодасидир. Асар гўё халқ ўтмишининг ғолибона таронасидай янграйди.

Бир куни узоқ Швециядан Йигиталининг устахонасига қўнғироқ бўлиб қолди. Гўшакдан аёл кишининг обози эшитилиб, Ўрта Осиё ҳақида китоб ёзаётгани ва унга рассом томонидан яратилган Амир Темур образи ёқиб қолганини айтди. Шундан сўнг унинг ишидан фотонусха олиб кетдилар. Орадан бир ярим йил ўтиб, яна ўша швециялик аёл қўнғироқ қилди ва китобидан юбораётганини айтди. Китоб муқовасида Й.Турсунназаровнинг рангтасвир асари акс этиб турарди. Бундай воқеалар рассом ижодида кам эмас.

Ҳар қандай одам учун ўзи туғилиб-ўсган, умргузаронлик қилаётган жойдан-да азиз макон йўқ. Й.Турсунназаров учун Ўзбекистон ана шундай муқаддас замин. Юртимизнинг узоқ қишлоқларидан бирида туғилиб, вояга етган Йигитали болалигидан суяги меҳнатда қотган одамлар билан ҳамроҳ бўлди. «Агар инсонда меҳр-шафқат ва ҳамдардлик бўлмаса, у ҳеч қачон ижодий шахс бўла олмайди», дейди рассом. Уни кўпроқ ҳаёт, яшашдан мақсад, санъат ва санъатнинг асл вазифалари қизиқтиради. Унинг асарлари гўё яхлит ва ягона сурурли қўшиқдай таассурот қолдиради. Аслида бу асарлар бадиий қуришига кўра халқ мусиқасига, халқ ижодига уйғун.

Баланд тоғ чўққиларининг оппоқ қорлари жилоси, тепаликлардан оқиб тушаётган ирмоқлар, ям-яшил водийлар, тоғлар орасидаги қишлоқ ва овуллар, чўпонлар, меҳнаткаш кишилар, ўзбек мумтоз адабиётининг афсонавий қаҳрамонлари, юрт тарихи, оддий одамлар ҳаёти ва уларнинг кечинмалари рассом мўйқалами остида мўъжизага айланади. Рассом болалигидан ўзига қадрдон бўлган манзараларни қалб кўрини бағишлаб чизади, уларнинг ҳар бири учун алоҳида бўёқ топа билади. «Сув ҳақида достон», «Қишлоқ меҳнаткашлари» триптихлари, «Кетмон кўтарган деҳқон», «Чўпон», «Кутиш», «Наврўз», «Деҳқон орзуси», «хонандалар Юлдуз Усмонова ва Марям Сатторовалар портретлари, «Ойдин тун», «Ангрен томонларда», «Сирен» натюртмортлар туркуми ва бошқа кўплаб асарлари бунга мисол бўла олади.

Й.Турсунназаров юртимиз миллий санъатини жиддий қайта жонлантиради, маҳобатли рангтасвирда бу мавзуни, айниқса, ўзига хос тарзда ифодалайди. Бу жиҳатдан унинг рамзий метафора усулида ишланган «Оқсарой» асари эътиборга молик. Унда тунги Тошкентнинг кенг манзараси намоён бўлади. Бутун шаҳар уйқуда. Сокинлик. Ана шу сокинлик аро мустақил Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпираб турган Президентнинг қабуллар уйи – «Оқсарой» кўз ўнгимизда жонланади. Шаҳарни тўлин ой ёритиб турибди. Асарнинг олд қисмида эса мойчечаклардан тузилган катта гулдаста. Бу гулларнинг ҳар бири кундан-кунга чирой очиб бораётган Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва одамларини эслатади.

Й.Турсунназаров асарлари рамзий-фалсафий талқини билан томошабин шуурини сеҳрлаб қўяди, уни кечинмалар оғушига тортади, муҳими, она-Ватан ва унинг гўзалликлари ҳақидаги қайноқ таассурот уйғонишига ёрдам беради. Рассом ижоди ана шу жиҳати билан қадрлидир.

Сергей НЕМЦОВИЧ,
санъатшунос

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, филология фанлари доктори **Камол МАМБЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Зоҳир Аъламга онаси **Назминисо ШАРИФ қизи** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 22.00.
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2809. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи—6512.